

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры

BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№2 (30)
2017



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев
Ниғматилла Йўлдошев
Нурдинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Муротжон Азимов
Эркин Юлдашев
Улғубек Суннатов
Исламджан Эргашходжаев
Бекзод Мавлонов
Зоҳид Дусанов
Евгений Коленко

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Ғофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов
Бобоқул Тошев
Матлюба Аминжанова
Фаҳри Раҳимов
Миродил Боротов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

•Буюртма №
•Адади: 1000

•Журнал "Аргументы и факты
Узбекистан" МЧЖ ҚҚ
босмаҳонасида чоп этилди
•Манзил: Тошкент шаҳри,
•Элбек кўчаси 8-уй.

М У Н Д А Р И Ж А

- О.Утегенов** Жамоат экологик экспертизасини ўтказишга оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари **1**
- Х.Каримов** Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликнинг айрим масалалари **5**
- Ф.Очилов** Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги айрим хорижий давлатлар ва миллий қонун ҳужжатларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили **10**
- Б.Тошев** Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда диний билим ва маърифий тадбирларнинг аҳамияти **14**
- А.Ачилов,**
Х.Исмоилов Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш масалалари **17**
- Б.Пўлатов** Рецидив жиноятчиликни профилактика қилиш масалалари **19**
- Н.Зикриллаева** Внутренний контроль финансовой деятельности бюджетных организаций как важный фактор предупреждения коррупции в бюджетных организациях: международный опыт **23**
- Ф.Мухитдинова** Новый этап реформирования подготовки юридических кадров **29**
- М.Мамасиддиқов** Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари **32**
- Е.Омаров** Участие консульских и дипломатических служб при оказании международной правовой помощи по уголовным делам **38**
- П.Сащико** Виды коррупционного поведения и отражение их в уголовном кодексе Республики Беларусь **42**
- М.Миракулов** Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари **46**
- С.Ниёзова** Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларини такомиллаштириш масалалари ва хорижий давлатлар тажрибаси **49**
- И.Тўрабоев** Солиқ муносабатларида резидентлик тушунчасининг ўзига хос хусусиятлари **54**
- Д.Умарханова** Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларининг ўзига хос хусусиятлари **57**
- Н.Ражабов** Некоторые вопросы экологического нормирования изъятия полезных ископаемых в Республики Узбекистан **62**
- Д.Каримова** Организация взаимодействия следователя с правоохранительными органами зарубежных стран **65**
- Л.Исоқов** Миграцияга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хусусиятлари **70**
- Д.Холманова** Фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокининг ҳуқуқий асослари **75**
- С.Юсупов** Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари **78**
- Илмий-амалий конференция
Янги китоб** **81**
83

Онгарбай УТЕГЕНОВ,
ТДЮУ мустақил изланувчиси, ю.ф.н., доцент

ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

- ✦ Мақолада жамоат экологик экспертизасини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда унга оид қонун ҳужжатлари ҳақида сўз юритилган, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.
- ✦ В статье рассматриваются вопросы правовых основ и нормативных документов, проведения общественной экологической экспертизы выдвинуты соответствующие предложения и рекомендации.
- ✦ The article deals with the conducting of socio-environmental examinations of the legal basis of regulatory documents with appropriate insights and suggestions.

Таянч сўзлар: жамоат экологик экспертизаси, экологик муаммолар, қонун, табиат, эксперт, хулоса.

Ключевые слова: общественная-экологическая экспертиза, экологические проблемы, закон, природа, экспертное заключение.

Key words: socio-ecological examinations, environmental problems, law, nature, expert, conclusion.

Ҳозирги экологик муаммолар тобора кескин-лашаётган шароитда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига жамоатчиликни кенг жалб қилиш, ушбу ишда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш, шу жумладан, жамоатчиликнинг экологик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатидаги экологик экспертизасини ўтказиш функциясини ривожлантириш зарурияти туғилмоқда.

Шу маънода экология соҳасида жамоатчилик экспертизаси фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишдаги иштирокининг ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда юртимизда жамоат экологик назорати ва унинг асосий шаклларида бири сифатида жамоат экологик экспертизасини ўтказиш бўйича мустақкам ҳуқуқий база яратилган бўлса-да, бу борада зарур қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир қатор ҳаволаки нормалар ва ҳуқуқий бўшлиқлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, амалдаги қонунчиликда экология соҳасида жамоатчилик экспертизаси натижаларини расмийлаштириш ва рўёбга чиқариш тартиб-қоидалари, унинг натижаларининг юридик кучга

эга бўлиш механизмнинг аниқ белгиланмаганлиги ушбу муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Натижада жамоат экологик экспертизасини ўтказишнинг ҳуқуқий шакллари аниқ белгиланмаганлиги ҳамда жамоат экологик экспертизасини ўтказишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилмаганлиги жамоат экологик экспертизасининг сифатли ташкил этилиши ва унинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қолаверса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида экология соҳасида жамоатчилик экспертизасини қўллаш бу борадаги жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада фаоллаштиришни талаб қилади. Ушбу ташкилотнинг мазкур институтдан самарали ва унумли фойдалана олмаётганлиги жамоатчилик таъсир механизмнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу борада қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида жамоат экологик экспертизасини ўтказишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини куйидаги учта йўналишда амалга оширилиши тўғрисида хулосага келиш мумкин:

Биринчи йўналиш — фуқаролик жамияти институтлари жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги ташаббус билан чиқишлари мумкин. Маълумки, жамоат экологик экспертизаси экологик асосланиши тақозо этиладиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг бевосита ташаббуслари асосида амалга оширилади. Шу ўринда қонунда ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоат экологик экспертизасини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи мустаҳкамланганлигига эътибор қаратиш зарур. Зеро, айрим хорижий мамлакатларда ушбу ҳуқуқ жамоат ташкилотларининг чекланган доирасига тааллуқлидир. Яъни жамоат экологик экспертизасини бевосита ташкил этиш ва ўтказиш субъектлари деб, фақатгина ўз низомида фаолиятининг асосий йўналиши сифатида атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўрсатиб ўтилган жамоат ташкилотлари тан олинади¹.

Мамлакатимизда эса ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат экологик экспертизасини ўтказиши мумкин. Шу боис ҳар қандай нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат экологик экспертизасини ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Фикримизча, уни ўтказиш бу борада махсус билим ва тажрибага эга шахслар, хусусан, фаолиятининг асосий йўналиши атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи йўналиш — фуқаролик жамияти институтлари вакили сифатида жамоат экологик экспертизасини бевосита ўтказиш ёки ўтказишда иштирок этишлари мумкин.

Экологик экспертизани ўтказиш ва ташкил этиш атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятнинг таркибий қисми саналади. Фақат бундай жамоат бирлашмалари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари зарур.

“Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 15-18-моддаларига кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқ ва ваколатларидан бири сифатида жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш, шунингдек, фуқаролар ва экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларининг жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Шу ўринда айрим муаллифларнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш баробарида жамоат экспертизасини ўтказиш тезкорлигига эришиш мақсадида муайян жамоат ташкилотлари жамоат экологик экспертизасини ўтказишга қисқа фурсатларда сафарбар этиш мумкин бўлган жамоатчи олимлар захирасига эга бўлиши мақсад-

га мувофиқ бўларди², деган фикрига қўшилиш лозим.

Учинчи йўналиш — фуқаролик жамияти институтлари вакили сифатида жамоат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини ёритиш, унинг натижасини жамоатчиликка етказиш орқали иштирокини таъминлаш.

Мазкур йўналишда кўпроқ ОАВ қатнашадилар. Зеро, жамоат экологик экспертизасининг ўтказилиши, унинг бориши ва натижалари тўғрисида тегишли ҳудуд аҳолисига мунтазам ахборот бериб боришни йўлга қўйиш фойдалидир. Бу ОАВ орқали махсус бюллетенлар чиқариш ва бошқа тарғибот йўллари билан амалга оширилиши мумкин. Бу билан ушбу масала юзасидан жамоатчиликнинг хабардор бўлишига ҳамда бу борада ўз муносабатини билдириб боришига эришилади. Ушбу йўналишни самарали ташкил этиш фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Назаримизда, экология соҳасида самарали жамоат назорати самарадорлигини ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жамоат экологик экспертизасини ўтказишнинг юридик механизмини белгилаш зарур.

Жамоат экологик экспертизасининг ҳуқуқий ҳолатига оид умумий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (27-модда) ва “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунларида (4, 23-моддалар) тартибга солинган. Бироқ ушбу қонунларда айнан жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига оид махсус қоидалар ўрин олмаган. Бу мазкур муносабатлар қонун йўли билан етарли даражада тартибга солинмаганлиги ва шу соҳада ҳуқуқий бўшлиқ юзага келганлигидан далолат беради³.

Ушбу камчиликни бартараф этиш ҳамда жамоат экологик экспертизаси самарадорлигини ошириш мақсадида “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг жамоат экологик экспертизасига оид моддаларини янада такомиллаштириш зарур. Даставвал, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасини янги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, жамоат экологик экспертизаси — экологик асосланиши зарур бўлган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ва фуқароларнинг ташаббуси билан амалга ошириладиган экспертиза бўлиб, у давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Жамоат экологик экспертизасининг хулосалари жамоат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги яқунларни ўз ичига олган бўлиб, унинг ижро этилиши мажбурий характерга эга бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддаси 2-қисми “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддаси қоидалари билан бир хиллаштирилиши лозим. Бунда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси 2-қисмидаги “жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади” жумласи “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддаси 3-қисмидаги сингари “жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсия хусусиятига эга бўлади” деб ўзгартирилиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддаси “Давлат ва жамоат экологик экспертизаси объектлари” деб номланиб, у қуйидаги мазмундаги 2-қисм билан тўлдирилиши лозим: “мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёхуд ўзга фаолиятнинг атроф муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи барча объектлар жамоат экологик экспертизасининг объекти бўлиб ҳисобланади”.

Юқоридагилар билан бир қаторда, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонун жамоат экологик экспертизаси ўтказиш тартибини белгилувчи бир қатор янги нормалар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, қонунга “Жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби”га оид 23¹-моддани киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Унда жамоат экологик экспертизаси қуйидаги тартибда ўтказилишини белгилаш мақсадга мувофиқ:

— жамоат ташкилоти ёки фуқароларнинг жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги аризаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рўйхатдан ўтказилиши лозим;

— маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жамоат экологик экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги ариза етти кунлик муддат ичида рўйхатдан ўтказилиши ёки ушбу қонуннинг 23²-моддасида кўрсатилган тартибда рад этилиши шарт;

— аризада жамоат ташкилотининг номи, юридик манзили, низомида кўрсатилган фаолияти, тузилган экологик экспертиза комиссияси таркиби, жамоат экологик экспертизаси объекти ҳамда жамоат экологик экспертизасини ўтказиш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт;

— жамоат экологик экспертизаси ўтказилиши ҳамда унинг натижаси тўғрисида тегишли ҳудуд аҳолиси хабардор этилади.

Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар, амалга оширилиши мумкин.

Агар бир объектга нисбатан икки ёки ундан ортиқ жамоат ташкилотлари ариза берсалар, ягона экспертиза комиссияси тузилади.

Қонунда шунингдек, жамоат экологик экспер-

тизаси ўтказиш тўғрисидаги аризани рад этишда 23²-модда бўйича қуйидаги асосларни киритиш мақсадга мувофиқ:

— жамоат экологик экспертизаси ўтказилиши сўралаётган объект бўйича муқаддам камида икки марта жамоат экологик экспертизаси ўтказилган бўлса;

— жамоат экологик экспертизаси ўтказилаётган объектда давлат, тижорат ва бошқа қонун билан кўриқланадиган сир мавжуд бўлса;

— жамоат экологик экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги аризада ушбу қонуннинг 23¹-моддасида кўзда тутилган ҳолатлар ўз аксини топмаган бўлса;

— жамоат ташкилоти фаолияти атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлмаса, аризани рўйхатдан ўтказиш рад этилади.

Жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги аризани рўйхатдан ўтказишни ноқонуний рад этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Қонунда шунингдек, жамоат экологик экспертизасини амалга оширувчи жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларига бағишланган яхлит модда — 23³-модда киритилиб, унда жамоат экологик экспертизасини амалга оширувчи жамоат ташкилотларининг қуйидаги ҳуқуқларини мустаҳкамлаш зарур:

— жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисида ариза билан мурожаат этиш;

— буюртмачидан ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш;

— экологик экспертиза ўтказиш талабларини белгилайдиган норматив-техник ҳужжатлар билан танишиш;

— давлат экологик экспертизасининг эксперт комиссияси мажлисида ўзининг вакиллари орқали кузатувчи сифатида иштирок этиш;

— ўтказилган жамоат экологик экспертизаси юзасидан тақдим этилган хулоса юзасидан ваколатли давлат органлари муҳокамасида иштирок этиш.

Юқоридаги қонунга шунингдек, жамоат экологик экспертизаси хулосасига оид 23⁴-моддани киритиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсия хусусиятига эга бўлади ҳамда тегишли ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига, объектни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қиладиган ҳужжат буюртмачисига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этилиши мумкин. Жамоат экологик экспертизасининг тақдим этилган хулосаси муҳокама қилиниши шарт. Жамоат экологик экспертизасининг хулосаси экологик экспертиза соҳасида махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқлангандан кейин мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоат экологик экспертизаси фаолиятини молиялаштириш масалалари ҳам қонунда алоҳида акс эттирилиши лозим. Чунончи, қонунни 23⁵-модда билан тўлдириб, унда жамоат экологик экспертизасини молиялаштириш жамоат ташкилотлари маблағлари, экологик ва бошқа жамғармалар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг мақсадли йўналтирилган ихтиёрий пул тўлови, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли қарорлар билан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилишини белгилаш зарур.

Бизнингча, жамоат экологик экспертизасига оид амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ушбу институтнинг самарадорлигини ошириб, мазкур институтни амалда қўллашнинг ҳуқуқий механизмни белгилаб беради.

Амалдаги “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунга киритилиши таклиф этилаётган моддалар мазмунида жамоат экологик экспертизасини ўтказиш учун ариза билан мурожаат этиш тартибининг белгиланиши кўзда тутилмоқда. Бунда жамоат экологик экспертизасини ўтказиш ҳақида ариза берадиган жамоат бирлашмаси бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Хусусан, улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда ўз Низомига эга бўлиши лозим; улар фаолияти моҳиятан атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлиши керак; улар ўз номи ва юридик манзилига эга бўлиши шарт.

“Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунда жамоат экологик экспертизасини ўтказиш учун ариза билан мурожаат этиш тартиби, аризани кўриб чиқишда тегишли ҳудуддаги маҳаллий ҳокимият органларининг вазифаси, жамоат экологик экспертизасини ўтказиш муддатлари, жамоат экологик экспертизасини ўтказиш учун тузилган эксперт комиссиясига қўйиладиган малака талаблари ва бошқаларни белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Назаримизда, жамоат экологик экспертизаси-

га оид қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда жамоат экологик экспертизаси тўғрисидаги аризани тегишли ҳудуддаги маҳаллий ҳокимият органларига топшириш механизмни таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари: жамоат экологик экспертизасини ўтказиш ҳақидаги аризаларни қабул қиладилар; уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини текширадилар; турли жамоат ташкилотларидан иккита ёки ундан кўп ариза тушганида аризаларга қўшма эксперт комиссиясини тузиш таклифини киритадилар; давлат идорасига келиб тушган кундан эътиборан етти кунлик муддат ичида аризани кўриб чиқиб, рўйхатга олиш ёки олмаслик ҳақида қарор қабул қиладилар; аризачини аризанинг рўйхатга олинганлиги ёки олинмаганлиги ҳақида хабардор қиладилар.

Бунда жамоат экологик экспертизасини ўтказиш борасида аниқ бир муддатнинг белгиланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бизнингча, бундай муддатни етти кунлик қилиб белгилаш оқилона бўлиб, ушбу муддат ичида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига аризани қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича тегишли мажбуриятни юклайди.

Айни дамда жамоат экологик экспертизасини ўтказиш учун тузилган эксперт комиссияси давлат экологик экспертизаси эксперт комиссияси сингари муайян малакага эга бўлиши талаб этилади. Шунингдек, жамоат экологик экспертизаси эксперт комиссияси давлат экологик экспертизаси эксперт комиссиясига тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланишини ҳам қонунда мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик экологик экспертизаси институтини янада такомиллаштириш экологик сиёсатни янада мустаҳкамлашда ҳамда фуқароларнинг экологик ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Комментарий к Федеральному закону “Об экологической экспертизе”. Коллектив авторов / Отв. ред. проф. М.М.Бринчук. — М; БЕК, 1999. — С. 106–108. Андрейцев В.И. Теоретические проблемы правового обеспечения эффективности экологической экспертизы: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. — Харьков: Украинская юридическая академия им. Ф.Э.Дзержинского, 1992. — С. 8.

² Комментарий к Федеральному закону “Об экологической экспертизе”. Коллектив авторов / Отв. ред. проф. М.М.Бринчук. — М; БЕК, 1999. — С. 108.

³ Нурматов М.М. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонунни такомиллаштиришнинг айрим масалалари / “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. — Тошкент: 2005. — Б. 173–178.

Хуршид КАРИМОВ,
Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи в.б.

ЖИНОЯТДА ИШТИРОК ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мазкур мақолада иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишнинг айрим муаммолари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишнинг ҳуқуқий муаммолари ечими юзасидан таклифлар билдирилган.

◆ В данной статье сделан анализ некоторых проблем квалификации преступлений совершенные в соучастие. Кроме того, дано предложение по решению правовых проблем преступлений данной категории.

◆ This article analyses problems regarding qualification of criminal complicity, as well as gives proposal to solve legal problems of qualification of criminal complicity.

Таянч сўзлар: иштирокчилик, бир гуруҳ шахслар томонидан, ташкилотчи, бажарувчи, далолатчи, ёрдамчи.

Ключевые слова: соучастие, группа лиц, организатор, исполнитель, подстрекатель, пособник.

Key words: participation, the group of individuals, organizer, actual doer, aider, accomplice.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", деб мустаҳкамланган. Мазкур нормани амалда таъминлаш мақсадида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан амалга оширилаётган ислохотлар ва мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинаётган барча қонунларнинг мақсади инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш,

алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш" каби масалалар ҳам ўрин эгаллаган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг ЖКда қандай қилмиш жиноят, деб баҳоланиши билан бир қаторда, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар, шунингдек, жиноят қонунчилигининг бошқа масалалари ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, ЖКнинг 56-моддаси "м" бандида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида жиноятни "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан" содир этилиши ифодаланган.

Бу эса ўз навбатида, жазонинг адолатли ва қонуний тайинланишида иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни тўғри квалификация қилиш муҳим аҳамият касб этишини англатади.

ЖКнинг 27-моддасига асосан, икки ёки undan ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик, деб топилади. Демак, жиноятда иштирок этаётган икки ёки undan ортиқ шахснинг ҳаракатларида қасд мавжуд бўлиши талаб этилади. Бу эса фақат қасддан содир этилган жиноятлардагина иштирокчилик белгиси мавжуд бўлишини англатади.

Демак, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларда иштирокчилик белгиси мавжуд бўлмайди.

Жиноят кодексининг 28-моддасига асосан жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

ЖКнинг 29-моддасида "икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик, деб топилади", деб белгиланган. Оддий иштирокчиликда бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктириш белгиси бўлмайди ҳамда жиноятнинг объектив томони бажарувчилари икки ёки ундан ортиқ шахс бўлади. Мазкур масалада Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 44-моддасида оддий иштирокчилик тушунчаси берилган бўлиб, унда агар жиноятни содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахс биргаликда иштирок этиб, улардан ҳар бири жиноятнинг объектив томони амалга ошириши, яъни жиноят бажарувчиси сифатида иштирок этиши тушунилиши назарда тутилган.

Шу ўринда ақли норасо шахсдан фойдаланиб жиноят содир этилганда ҳамда мазкур жиноятнинг объектив томони биргаликда бажарилган ҳолда жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб топиладими? Мазкур ҳолатда жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб топилмаслиги керак. Чунки, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар фақат қасддан содир этилади. Ақли норасо шахснинг ҳаракатларида эса қасд мавжуд бўлмайди ҳамда у ўз ҳаракатлари учун жавоб бера олмайди. Шунингдек, ақли норасо шахснинг қилмишида жиноят таркиби ҳам бўлмайди. Бу борада "Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 6-бандида "Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланганда жиноят иши жиноят белгилари таркибига кирувчи элемент — субъект йўқлиги туфайли тугатилади (ЖПК 83-моддаси иккинчи банди)", деб белгиланган. Шундай экан, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда икки ёки ундан ортиқ шахс ўз жиноий ҳаракатларини қасддан биргаликда содир этаётганлигини англаши керак ҳамда

уларнинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлиши керак.

Иштирокчилик масаласида Олий суд Пленумининг қуйидаги қарори баҳсли ҳисобланади. Жумладан, "Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли қарорининг 12-бандида "Жиноят иштирокчиларидан бири қонунга кўра жиноят субъекти бўлмаган ҳолларда ҳам (ЖК 17, 18-моддалари) иккинчи иштирокчининг ҳаракатлари гуруҳ таркибида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим", деб келтирилган. Фикримизча, мазкур тушунтиришни Жиноят кодексининг 27-моддаси қоидаларига мослаштириш мақсадга мувофиқ. Яъни "Жиноят иштирокчиларидан бири қонунга кўра жиноят субъекти бўлмаган ҳолларда (ЖКнинг 17, 18-моддалари) иккинчи иштирокчининг ҳаракатлари гуруҳ таркибида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилинмаслиги лозим", деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Чунки, ЖКнинг 17-моддаси бўйича жисмоний шахсни жавобгарликка тортишда жиноят учун жавобгарликка тортиш ёшига етган ҳамда ақли расо шахс бўлиши талаб этилса, ЖКнинг 18-моддасида ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди, деб мустаҳкамланган. Ақли норасолик ўз ҳаракатининг аҳамиятини англай олмаслик ёки ҳаракатларини бошқара олмасликда ифодаланади. Бу эса шахс жиноят субъекти эмаслигини кўрсатади. Шунингдек, юқорида қайд этганимиздек, ақли норасо шахснинг ҳаракатида қасд мавжуд бўлмайди. Демак, бундай шахслардан фойдаланиб, жиноят содир этилишини гуруҳ таркибида жиноят содир этилган, деб баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас.

Мазкур масалада дарсликларда қуйидаги шарҳ келтирилган. Жумладан, "икки шахснинг иштирокчилигида содир этилган, аммо улардан бири ақли норасо ёки жиноий жавобгарликка тортиш ёшига тўлмаган бўлса, иштирокчилик деб топилмайди, чунки бундай шахслар жиноят субъекти ҳисобланмайди". "Иштирокчилик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг жиноят содир этишда иштирок этиши эмас, балки жиноят со-

дир этилишида қандай вазифани бажарганлигидан қатъи назар, ақли расо ва жиноят учун жавобгарлик ёшига тўлган шахс бўлиши талаб этилади". Демак, икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноятда биргаликда иштирок этиши натижасида улардан бирининг қилмишида жиноят таркиби йўқлиги муносабати билан жиноят иши тугатилганда, иккинчи иштирокчининг ҳаракатларини гуруҳ таркибида жиноят содир этиш, деб баҳолаб бўлмайди, — деган хулосага келиш мумкин.

Кўп эпизодли иқтисодий жиноятларни иштирокчилик белгисига кўра, квалификация қилиш бўйича қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз. Масалан, корхона раҳбарига нисбатан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан кўп миқдорда талон-торож қилиш жиноятини содир этиш бўйича жиноят иши қўзғатилади. Мазкур жиноят корхона раҳбари томонидан корхонада икки йил давомида фаолият юритган беш нафар бухгалтер ёрдамида босқичма-босқич амалга оширилган. Аммо барча бухгалтерларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмас. Чунки, улар томонидан ўзлаштиришда иштирок этилган сумма оз миқдорни ташкил этади. Шу сабабли, уларнинг жиноят ишига оид қисми қилмишда жиноят таркиби йўқлиги учун тугатилган. Аммо мазкур ҳолатда корхона раҳбарининг ҳаракатларини ўзлаштиришга нисбатан умумий қасднинг мавжудлигидан ҳамда ушбу жиноятнинг содир этилишида бир неча шахсларнинг кўмагидан фойдаланганлигидан келиб чиқиб, гуруҳ таркибида жиноят содир этиш деб баҳолаб бўладими? деган савол туғилади. Фикримизча, бундай ҳолда иштирокчилик белгиси мавжуд бўлмайди. Гарчи корхона раҳбари ўз жиноятини бир неча шахслар кўмагида амалга оширган бўлса-да, бухгалтерлар ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд эмас. Чунки, бухгалтерлар жиноят содир этишда қасддан корхона раҳбари билан тил бириктирмаган. Яъни гуруҳ таркибида жиноят содир этилган, деб баҳоланиши учун икки ёки ундан ортиқ шахс жиноят содир этиш учун қасддан ҳаракат қилиши лозим. Корхона раҳбарининг умумий қасди кўп миқдорда ўзлаштиришга қаратилган бўлса ҳам, бухгалтерлар ҳаракатида жиноий қасднинг мавжуд эмаслиги ҳамда уларнинг ҳаракатлари жиноят таркибини бермаганлиги учун корхона раҳбарининг ҳаракатларини иштирокчиликда жиноят содир этилган, деб баҳолаб бўлмайди.

Агар Жиноят кодексининг Махсус қисмида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир

этилган бўлса" деб номланувчи оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлса, аммо жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмай содир этилган бўлса, бундай ҳолда Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги оғирлаштирувчи белги билан квалификация қилиб бўлмайди. Бундай ҳолатда қилмиш Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси ҳамда ЖКнинг 29-моддаси билан (оддий иштирокчилик) бирга квалификация қилинади. Масалан, ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "в" банди бўйича жавобгарликка тортиш учун жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлиши керак. Агар олдиндан тил бириктириш бўлмаса, бундай ҳолда ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "в" банди бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бундай ҳолда қилмиш ЖКнинг 29-моддаси ва 169-моддасининг тегишли банди билан квалификация қилинади.

Қайд этиш лозимки, Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида "бир гуруҳ шахслар томонидан" оғирлаштирувчи белгиси олдиндан тил бириктиришни ҳам, олдиндан тил бириктирмасликни ҳам қамраб олади. Масалан, Олий суд Пленумининг "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қароридида "Баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдиндан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "к" банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг "и" банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган, деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак. Бироқ баданга шикаст улардан ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, гуруҳ иштирокчиларидан бири жабрланувчининг қаршичилигини бостирса, айни пайтда бошқаси унга жароҳат етказди). Баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлар бир шахс томонидан содир этилиш жараёнида унга бошқа шахслар шу мақсадда келиб қўшилганда ҳам бундай жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб топилиши керак"лиги қайд этилган. Мазкур Пленум қароридида ҳам жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб топилиши учун жиноятнинг объектив томони икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан тўлиқ ёки қисман амалга оширилган

бўлиши лозим.

Шунингдек, "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Олий суд Пленуми қарорида "Жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг "п" банди билан квалификация қилинади. Бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса унга ҳалок этувчи шикаст етказган). Қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган ҳамда жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатмаган, бироқ ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишида кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 28, 97-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. Одам ўлдириш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган, деб топилган тақдирда, жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади", деб белгиланган. ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмининг "п" бандида "бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда" деб номланган оғирлаштирувчи белги мавжуд. Пленум қарори мазмунидан келиб чиқилса, қасддан одам ўлдириш уюшган гуруҳ томонидан содир этилса, жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролидан қатъи назар, қилмиш ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми "п" банди билан квалификация қилинади. Аммо шу ўринда савол туғилади: "Уюшган гуруҳ томонидан" ҳамда "уюшган гуруҳ аъзоси томонидан" деган мазмундаги жиноят белгилари бир хил маънони англатадими? Фикримизча, мазкур ҳолатда "уюшган гуруҳ аъзоси томонидан" жиноят белгисини тушунишда қасддан одам ўлдириш жиноятини маълум бир уюшган гуруҳ аъзоси томонидан содир этилиши тушунилади. Яъни жиноят бир нафар уюшган гуруҳ аъзоси томонидан содир этилиши мумкин. "Уюшган гуруҳ томонидан" деган жиноят белгисига кўра, қасддан одам ўлдириш жиноятини квалификация қилишда эса биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашган икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан одам ўлди-

риш жиноятини содир этиши тушунилади. Демак, ЖКнинг 97-моддаси оғирлаштирувчи ҳолатлари қасддан одам ўлдириш жиноятини "Уюшган гуруҳ томонидан" содир этилганлик белгисини қамраб олмаган. Шу сабабли, ЖКнинг 97-моддаси "п" бандига "Уюшган гуруҳ томонидан" белгисини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

"Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Олий суд Пленуми қарорида "Жиноят кодексининг 285-моддаси 2-қисми "а" бандида назарда тутилган "бир гуруҳ шахслар" тушунчаси Жиноят кодексининг 29-моддасида берилган тушунча билан бир хил маънони англатади. Гуруҳ сифатидаги ноустав зўравонлик ҳаракатлари қасд умумийлиги билан бирлашган икки ёки ундан ортиқ ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилади ва уларнинг ҳар бири Жиноят кодексининг 285-моддасида кўрсатилган жиноят субъекти бўлади ва жиноятда шерик сифатида иштирок этади. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноят олдиндан ўзаро тил бириктириб ёки бириктирмасдан содир этилиши мумкин. Сўнги ҳолда ҳаракатларни Жиноят кодексининг 285-моддаси 2-қисми "а" банди билан тавсифлашнинг зарур шarti — ҳар бир айбдор ўз ноустав ҳаракатларини гуруҳ ичида бирлашиб содир этаётганлигини англаб етганлигидир", деб белгиланган. Яъни ушбу Пленум қарорида ҳам "бир гуруҳ шахслар" тушунчаси ноустав зўравонлик ҳаракатлари қасд умумийлиги билан бирлашган икки ёки ундан ортиқ ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилиши ҳамда жиноятнинг объектив томонини қисман ёки тўлиқ биргаликда бажаришларини тушуниш мумкин.

"Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида"ги Олий суд Пленуми қарорида "Агар қонунда жиноятлар мажмуига кирувчи қилмишлардан бири фақат махсус субъект томонидан, бошқалари эса умумий субъект томонидан содир этилиши мумкинлиги белгиланган бўлса, бундай жиноятлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан алоҳида-алоҳида квалификация қилиниши керак. Жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлар, агар улардан бирини содир этишда субъект жиноятни бажарувчи, бошқаларини содир этишда эса ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида иштирок этганда ҳам, шу тарзда квалификация қилиниши керак. Бундай ҳолларда шахснинг жиноятни содир этишда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи сифатида иштирок

этган ҳаракатлари Жиноят кодексининг 28-моддасини қўллаган ҳолда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси билан, содир этилишида у жиноят бажарувчиси бўлган қилмиш эса — ЖК 28-моддасини қўлламаган ҳолда, Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан квалификация қилиниши керак. Жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлар уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма томонидан содир этилганда жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, иштирокчилик туридан қатъи назар, ЖК 28-моддасини қўлламаган ҳолда, бевосита Жиноят кодекси Махсус қисмининг содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси билан квалификация қилинади", деб белгиланган. Мазкур тушунтиришдан кўриниб турибдики, жиноятнинг объектив томонини биргаликда бажармаган жиноятнинг бошқа иштирокчиларининг ҳаракатлари ЖКнинг 28-моддасини қўллаган ҳолда квалификация қилинади.

Юқоридаги Пленум қарорлари мазмунидан хулоса қилиб айтганда, "бир гуруҳ шахслар томонидан" ёки "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб" белгисига кўра, жиноят ишини квалификация қилишда жиноят объектив томонини икки ёки ундан ортиқ шахс қисман ёки тўлиқ бажарган бўлиши талаб этилади. Яъни жиноят бажарувчиси икки ёки ундан ортиқ шахс бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда мазкур жиноятлар иштирокчилик белгисига кўра, Жиноят кодексининг 28-моддаси билан бирга квалификация қилиниши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасида бевосита "бир гуруҳ шахслар томонидан", "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб" ёки "уюшган гуруҳ томонидан" оғирлаштирувчи белгиси назарда тутилмаган ҳолда жиноят "бир гуруҳ шахслар томонидан", "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб" ёки "уюшган гуруҳ томонидан" содир этилганда Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси ва 29-моддаси билан бирга квалификация қилинади.



Фарҳод ОЧИЛОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

- ◆ Мақолада Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.
- ◆ В данной статье отражен сравнительно-правовой анализ законов Республики Узбекистан и Российской Федерации, а также Республики Казахстан о противодействии коррупции.
- ◆ This article describes the comparative analysis of the law of Republic of Uzbekistan on combating corruption with the laws of the Republic of Kazakhstan and the Russian Federation.

Таянч сўзлар: коррупция, қиёсий таҳлил, коррупцияга қарши курашиш, коррупцияга қарши курашувчи субъектлар.

Ключевые слова: коррупция, сравнительный анализ, противодействия коррупции, субъекты противодействия коррупции.

Key words: corruption, comparative analysis, anti-corruption, anti-corruption actors.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган Беларусь, Озарбайжон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа бир қатор давлатларда “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинган. Жорий йилнинг 3 январида мамлакатимизда ҳам “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашишда қонунчилик базасининг ягоналигини таъминлаш мақсадида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Парламентлараро Ассамблеясига аъзо давлатларнинг қарори билан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги модель Қонуни¹ қабул қилинган².

Россия Федерацияси³ ва Қозоғистон Республикасининг⁴ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунларида МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги модель Қонуни (кейинги ўринларда модель қонун)⁵ хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатимизнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни нормалари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинди.

Урганилган давлатлар қонунчилигида коррупция

тушунчасига турлича таърифлар берилган. Жумладан, Россия Федерациясида (РФ) коррупция термини остида асосан порахўрлик ва мансабдор шахсларнинг суиистеъмомчиликлари тушунилишига эътибор қаратилган.

Қозоғистон Республикаси (ҚР) қонунчилигида эса асосан давлат функцияларини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ноқонуний бойлик орттириши билан боғлиқ бўлган хавфли қилмишлар коррупция, деб баҳоланган.

Модель қонунда эса коррупцияга таъриф беришда унинг субъектларини келтирган ҳолда, унинг усулларига урғу берилган.

Жумладан, коррупция субъектлари томонидан қонунга зид, ижтимоий хавфли бўлган ва ўз мансаб мавқеидан, у билан боғлиқ имкониятлардан моддий ёки бошқача тарздаги ёхуд хизмат кўрсатиш шаклида фойда олиш, ҳомийлик қилиш, ўзига ёки учинчи шахсларга устунлик бериш ёки шундай имкониятларни таклиф қилиш, тақдим этиш орқали жисмоний ва юридик шахслардан фойда олишга қаратилган ҳаракат, шунингдек, ушбу субъектларни пора эвазига оғдириб олиш коррупция деб ҳисобланиши белгиланган.⁶

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида эса, ҳар қандай мансабдор шахснинг мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш деб таъриф берилган.⁷

Таъкидлаш лозимки, қонунларда қўлланилган атамаларнинг мазмунини ёритишда ҳам фарқлар мавжуд. Жумладан, Қозоғистон Республикасининг қонунида давлат масъул мансабдор шахси, мансабдор шахс, давлат функцияларини амалга оширувчи мансабдор шахс, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, коррупцияга қарши сиёсат, коррупцияга қарши чекловлар, коррупцияга қарши кураш, коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган, коррупцияга оид таҳдид, коррупциянинг олдини олиш каби тушунчаларга изоҳ берилган.

РФ қонунчилигида эса коррупция ва коррупцияга қарши курашиш тушунчасига изоҳ бериш билан чекланган.

Модель қонунга кўра, коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, коррупцияга қарши курашиш, коррупцияга қарши курашувчи субъектлар, коррупцияга қарши курашишни амалга ошириш чоралари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси, коррупцияга қарши стандартлар тушунчаларига эътибор қаратилган.

Миллий қонунчилигимизда эса коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, манфаатлар тўқнашуви каби тушунчаларга изоҳ берилган.⁸

Давлатимиз қонунчилигида Қозоғистон Республикаси қонунидаги каби масъул мансабдор шахс, мансабдор шахс, давлат функцияларини амалга оширувчи мансабдор шахс тушунчаларига тўхталмаганлигини ЖКда мансабдор шахс тушунчасига берилган изоҳнинг мавжудлиги билан боғлаш мақсадга мувофиқ.

Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси қонунлари ва модель қонунда атамаларнинг мазмунини очишда “коррупцияга қарши кураш” тушунчасига таъриф берилган. Бунда “коррупцияга қарши курашиш” тушунчасига модель қонундан келиб чиқилган ҳолда ягона тарзда ёндашилган. Хусусан, коррупцияга қарши курашувчи субъектларнинг коррупцияни яратувчи сабаб, омил ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупция ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш, бундай жиноятларни очиш, тергов қилиш ва оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ фаолият сифатида изоҳланган.

Таҳлил этилаётган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тушунчасига таъриф беришда ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка оид нормаларни белгилашда жиддий фарқланишни кузатиш мумкин.

Жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тушунчасига Қозоғистон Республикаси қонунида,

маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган коррупция элементларига эга бўлган қонунга зид ҳаракатлар эътироф этилган. Бунда коррупция учун жавобгарликни фақатгина маъмурий ҳамда жиноий тартибда қўлланилиши белгиланган.

Модель қонунда эса давлатнинг қонунчилигига кўра, юридик жавобгарлик белгиланган коррупция субъектлари томонидан коррупция мақсадида содир этилган жиноятлар фуқаролик-ҳуқуқий деликтлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар, интизомий ноҳўя хатти-ҳаракатлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, деб топилиши кўрсатилган.

Янги қонунга кўра, коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, деб топилган.⁹

Коррупцияга қарши курашишнинг принциплари таҳлил этилаётган қонунларнинг ажралмас қисми сифатида киритилган. Мамлакатимизнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, коррупцияга қарши курашда қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби асосий принципларга таъйинланади.

Қиёслаш учун олинган РФ ва ҚР қонунлари билан миллий қонунчилигимизнинг принципларида мазмун-моҳиятан ўхшашликни кузатиш мумкин. Бироқ ҚР қонунчилигида коррупцияга қарши курашда ҳамкорлик қилувчи шахсларни рағбатлантириш ҳам қонуннинг принципи сифатида киритилганлигини кўриш мумкин.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши чекловларни белгилашга оид чора-тадбирлар тизимида ҳам таққосланаётган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунларда фарқли жиҳатларни кўриш мумкин.

Хусусан, РФ, ҚР қонунларида ҳамда модель қонунда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тизимида мамлакатимиз қонунчилигида мавжуд бўлмаган молиявий назорат чоралари белгиланган. Унга кўра, мансабдор шахсларнинг ўзи ва оила аъзоларининг даромадлари ҳамда ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни декларациялаш, ихтиёридаги воситаларнинг келиб чиқиш манбаларини кўрсатиш каби мажбуриятларни белгилашга оид чора-тадбирлар мавжуд.

Миллий қонунчилигимизда коррупцияга қарши кураш тизимининг ўзига хос хусусияти эса тадбиркорлик соҳасида коррупцияга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда чора-тадбирлар белгиланганлиги билан боғлиқ. Унга кўра, маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш, давлат органларининг назорат-текширув вазибаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини

текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштиришга йўл қўймастик, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шакллари кенг жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймастик каби чора-тадбирлар тизими белгиланган.

Ўрганилаётган Россия ва Қозоғистоннинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда модел қонунда коррупцияга қарши курашиш субъектлари ҳам турлича белгиланган.

Хусусан, модел қонунда коррупцияга қарши курашувчи субъектлар тизимлаштирилган. Унда бевосита коррупцияга қарши курашиш фаолиятини олиб борувчи субъектларга суд, прокуратура, хавфсизлик, ички ишлар (полиция) ва бошқа тезкор кидирув, суриштирув ҳамда дастлабки тергов фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар киритилган.

Шунингдек, барча давлат органлари коррупцияга қарши курашиш учун масъул сифатида белгиланган. Фуқаролар эса коррупцияга қарши курашиш фаолиятида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятида қатнашиш, шунингдек, сайлов ва референдумларда ўз ҳуқуқларини амалга ошириш орқали иштирок этиши белгиланган.

Модель қонунга кўра, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органлари ёки алоҳида махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

РФ қонунларида коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи субъектлар доираси алоҳида кўрсатиб ўтилмаган бўлса-да, қонундаги коррупцияга қарши курашнинг ташкилий асосларида РФ Президенти, Федерал Мажлис, Ҳукумат, давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар ва Ҳисоб палатасининг ушбу йўналишда амалга ошириши лозим бўлган вазифалари умумий тартибда кўрсатиб ўтилган¹⁰.

Қозоғистон Республикасининг қонунчилигида эса субъектлар иккига, яъни коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган ва бошқа субъектлар (давлат органлари, квази давлат секторидagi субъектлар, жамоат бирлашмалари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар)га ажратилган. Бунда, коррупцияга қарши курашувчи ваколатли органнинг вазифаларига кенгроқ, бошқа субъектларга эса умумий асосларда тўхталган.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жи-

ной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти кўрсатилган. Қонунда ушбу органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар ташкил этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилди ва комиссия раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, ишчи органи вазифаларини эса Бош прокуратура бажариши белгиланди¹¹.

Шунингдек, қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятига доир вазифаларини белгиловчи нормалар мавжуд.

Манфаатлар тўқнашуви ҳамда унинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг тартибга солинишида РФ ва ҚР қонунчилигидаги тажрибанинг ижобий жиҳатлари мавжудлигини эътиборга олиш лозим. Жумладан, ушбу давлатларнинг қонунчилигида манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақирда қандай вазифалар амалга оширилиши лозимлигига доир нормалар мавжуд.

Хусусан, Қозоғистон Республикасининг қонунига кўра, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимнинг ўз раҳбарини ёзма равишда хабардор қилиши белгиланган. Манфаатлар тўқнашувидан хабар топган раҳбар эса ўз навбатида:

- манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ходимни хизмат вазифаларини бажаришдан озод этиб, ушбу вазифани бошқа ходимга юклаш;

- мансаб мажбуриятларини ўзгартириш;
- манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чораларини кўриши лозимлиги кўрсатилган.

РФ қонунчилигида эса манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чораларини кўрмаган шахсни хизмат вазифасидан бўшатишгача бўлган чоралар кўрилиши ҳақидаги норма ҳам белгиланган.

Бундан ташқари, РФ қонунчилигида агарда мансабдор шахс қимматли қоғозларга эга бўлиб, унинг ушбу ҳуқуқлари манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлса, ушбу мулкий муносабатларни фуқаролик қонунчилигига кўра ишончли бошқарувга топшириши лозимлиги кўрсатилган.

Коррупцияни олдини олишда мавжуд қонунчиликдаги нормаларнинг коррупциогенлигини бартараф этиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга ҳам эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонундан ташқари, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун ҳамда Адлия вазирлигининг 2015 йил 25 декабр-

даги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2745-рақам билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қозоғистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш жараёнлари миллий қонунчилигимиз билан бирхиллигини кузатиш мумкин.

Бироқ МДХ Парламентлараро Ассамблеяси томонидан бу борада алоҳида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тўғрисида”ги модель қонун қабул қилинган. РФда ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши федераль қонун ва у асосда қабул қилинган ҳукумат қарори билан тартибга солинади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумотга эга бўлган фуқароларнинг ахборот беришини рағбатлантириш, бундай ахборотни берган шахсларни ҳимоя қилиш масалаларидаги ёндашувнинг хилма-хиллигини кўриш мумкин.

РФнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги федераль қонунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилишга доир алоҳида норма киритилмаган. Буни РФ “Жабрланувчи, гувоҳ ҳамда судлов иши юритишнинг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг мавжудлиги билан боғлаш мумкин.

Қозоғистон Республикаси қонуни, модель қонун ва миллий қонунчилигимизда коррупцияга оид маълумотни тақдим этган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида нормалар мавжуд.

Жумладан, Қозоғистон Республикаси қонунига кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумот берган шахсларнинг ҳимоя этилиши таъминланиши билан бир қаторда, уларни рағбатлантириш чоралари кўрилиши кўрсатилган. Фуқароларни рағбатлантириш масалалари эса Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2015 йил 30 декабрдаги “Коррупция ҳолатлари тўғрисида маъ-

лумот берган ҳамда унга қарши курашишда бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тўғрисидаги Қоидаларни тасдиқлаш ҳақида”-ги қарор билан тартибга солинади¹².

Шунингдек, ушбу шахсларга оид маълумотларга қонунга биноан давлат сири даражаси берилган бўлиб, шахс маълумотларини ошкор этиш давлат сирини ошкор этганлик учун белгиланган жавобгарликни келтириб чиқариши мустаҳкамланган.

Миллий қонунчилигимизда эса коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот берган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик мавжуд эмас.

Давлатимизнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ўтказилиши ҳамда уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ киритилган нормалар таққосланаётган қонунларда аналогиянинг йўқлиги билан ажралиб туради.

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот натижалари миллий қонунчилигимизнинг ҳамда хорижий тажрибадаги қонун нормаларининг кучли жиҳатлари ҳамда мавжуд имкониятлар ва уларни миллий қонунчилигимизни бойитишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатлари мавжудлигини кўрсатади.

Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури”да белгиланган манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид муносабатларни такомиллаштиришга доир, гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш ҳақидаги талабларни ижро этишда хориж тажрибасининг айрим жиҳатларини миллий қонунчиликка жорий этиш келгусида коррупция даражасини минималлаштириш учун самарали механизм вазифасини бажаради.

¹ Модельный закон Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ «О противодействии коррупции» <http://iacis.ru>

² Изох: Ўзбекистон Республикаси МДХ Парламентлараро ассамблеяси аъзоси ҳисобланмайди.

³ Федеральный Закон РФ «О противодействии коррупции». <http://pravo.gov.ru>

⁴ Закон Республики Казахстан «О противодействии коррупции». <https://online.zakon.kz>

⁵ Модельный Закон Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ “Об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов”. <http://iacis.ru>

⁶ Модельный закон Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ «О противодействии коррупции» <http://iacis.ru>

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, №1(761), 2-модда.

⁸ Юқоридаги манба.

⁹ Юқоридаги манба.

¹⁰ Федеральный Закон РФ «О противодействии коррупции». <http://pravo.gov.ru>

¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 5-сон, 62-модда.

¹² Постановление Правительства Республики Казахстан от 30.12.2015 г. Об утверждении Правил поощрения лиц, сообщивших о факте коррупционного правонарушения или иным образом оказывающих содействие в противодействии коррупции. <https://online.zakon.kz>

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ЎРНИ

- ◆ Мақола экстремизм ва терроризмга қарши курашда диний-маърифий ҳамда ҳуқуқий дунёқарашнинг ўрни ва аҳамиятининг таҳлилига бағишланган.
- ◆ В статье проанализированы роль и значение религиозно-просветительского и правового мировоззрения в борьбе с экстремизмом и терроризмом.
- ◆ This article analyses the role and importance of religious-cultural and legal world outlook in fighting against extremism and terrorism.

Таянч сўзлар: дин, диний бағрикенглик, фикҳ, тинчлик, ҳамкорлик.

Ключевые слова: религия, религиозная толерантность, фикх, мир, сотрудничество.

Key words: religion, religious tolerance, fiqh, peace, cooperation.

Миллий истиқлол шарофати билан Ўзбекистон ўзининг маънавий кадриятларини қайта тиклаш даврига қадам қўйди. Шу боис ҳам “Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда”¹, — деб таъкидлаган эди мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов.

Ислом дини пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ва мамлакатимиз ҳудудида тарқатилишида фақат тинчлик ва маърифат ғоялари олиб кирилганидан далолат беради. Бу дин илм, яратувчанлик ва бунёдкорлик, инсон, дунё ва табиат ўртасидаги мувозанатни англашни тарғиб қилади.

Маълумки, IX-XII асрларда Шарқ ўлкаларида ислом дини кенг кўламда тарқалиб, умумий дин тусини олди. Исломнинг тинчликпарварлик салоҳияти алоҳида ажралиб туради, Қуръони каримнинг юздан ортиқ ўрнида ифодаланган тинчлик ва ҳамкорликка чақириқларга нафақат мусулмон мамлакатлари, балки барча давлатлар ўртасидаги халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш умумий тамойилининг исломий тасдиғи сифатида қаралади. Бундан ташқари, ис-

лом комил инсонни борлиқнинг энг олий неъмат сифатида мавжуд бўлишини англашга даъват этади. Шунинг учун ҳам ислом дини ва маърифатини кенг ҳамда чуқур ўрганиш орқали комил инсонни тарбиялаб, вояга етказиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда диний-маънавий кадриятларни улуғлаш, кишиларда бағрикенглик ғояларини шакллантириш, муқаддас динимиз — ислом динининг маърифат соҳасидаги ўрнини янада кенгайтириш, ислом динига оид бой маънавий-маданий, илмий-тарихий меросини асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг инсонпарвар ғоялари ва асарларини чуқур ўрганиш ва замонавий руҳда ривожлантириш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш асосий вазифалар сифатида белгилаб олинди.

Бугун халқимизнинг диний билимларини ошириш, маърифий қарашларини кенгайтириш, маънавий бойлигини қарор топтириш мақсадида ислом дини ва тарихи чуқур ўрганилаётган таълим муассасаларига ислом ҳуқуқи асослари ва тармоқлари, ханафий мазҳаби таълимоти, исломда ҳуқуқий тизимлар, шунингдек, барча ҳуқуқшунос-

лик соҳаларини ўқитиш вазифаси юклатилган. Бир сўз билан айтганда, ислом ҳуқуқини ўрганиш бугунги кунда амалдаги ҳуқуқий тизимлар ва доктриналарни англаш, исломнинг ҳуқуқ манбаи сифатида замонавий ҳуқуқ асосларини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади. А.Раҳмоновнинг фикрича, ислом ҳуқуқи Ўзбекистон ҳудудиди (Туркистон, Мавароуннаҳр, Турон) XIV аср мобайнида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиб келган бўлиб, у мамлакатимиз давлат ва ҳуқуқ тарихининг ажралмас қисмидир.

Тарихдан маълумки, ислом ҳуқуқи ўз ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Асли араб бўлмаган кўп халқлар, айниқса, Мовароуннаҳр фақиҳлари ва муҳаддислари унинг ривожига унутиб бўлмайдиган катта ҳисса қўшиб келдилар.

XIII-XIV асрларда юз берган урушлар ва ноинчликлар оқибатида жуда кўп фақиҳлар Мовароуннаҳрдан кўчиб ўтиб, Қоҳира, Ҳалаб, Дамашқ, Мавсил, Қуния, Басра, Қрим, Ҳожитархон ва бошқа шаҳарларда истиқомат қилдилар ва узоқ муддатли ўз илмий фаолиятлари натижасида бу ерларда фикҳ илми ва Ҳанафий мазҳаби тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар. Ҳатто, бу ўлкадан Афғонистон ва Ҳинд ярим оролига бориб, дунёнинг буюк империяларидан бири бўлмиш Бобурийлар салтанатига асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг сулоласи ҳам Ҳанафийликни ўз ҳимояси остига олиб, унинг таълимоти асосида нафақат “Фатовойи оламгирий” ёки “Фатовойи Ҳиндия” каби тўрт жилдлик ҳуқуқий кодексни яратишга муваффақ бўлганлар, балки Мирзо Бобурнинг ўзи авлодларини ушбу мазҳаб руҳида тарбиялаш мақсадида Ҳанафий фикҳи асосида “ал-Мубаййин” номли манзум асар яратган².

Шуни таъкидлаш зарурки, “ислом бирдамлиги” ғояси ҳозирги вақтда мусулмон мамлакатлари ташқи сиёсатининг муҳим тамойилига айланган. Бунда эса Ўзбекистон ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этади. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ва бугун изчил давом эттирилаётган тинчликпарвар сиёсат бу эзгу интилишларга таянч бўлмоқда. Ислон Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилгани бу ғоянинг амалдаги натижаси бўлди.

Ўзбекистон диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашда ўз қарашларига эга. Хусусан, 2016 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар

вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида куйидагиларни билдирган эди: маърифат ва таълим башариёт тараққиёти ва фаровонлигининг асосий омилларидан бири бўлиб, инсонларни эзгуликка чорлаши, меҳр-мурувватли ва сабр-қаноатли бўлиш каби юксак фазилатларни тарбиялашини қайд этиши танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканидан далолат беради³.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 21 май куни Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида Араб-мусулмон давлатлари ва АҚШ саммитида иштирок этиши ҳамда саммитнинг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, бағрикенглик ғояларини илгари суриши, хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Афсуски, бугунги кунда ислом дини ниқоби остида дунёнинг турли бурчакларида экстремизм ва терроризм авж олиб бормоқда. Манфур кучларнинг ўз жинойи мақсадларига эришиш йўлидаги уринишлари оммавий тус олиши учун ҳам улар муқаддас динимизни ниқоб қилиб олмоқда. Дунёда содир этилаётган мудҳиш жиноятлар ва уларнинг оқибатлари эса ислом динининг нуфузига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, терроризм ва экстремизм соҳасидаги жиноятлар кўп ҳолларда дунёқараши тор ёки ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган кишилар томонидан содир этилади. Диний маълумот ва ҳуқуқий тарбиянинг мукамал эмаслиги, ўз навбатида, уларни нотўғри йўлларга, кўп ҳолларда жиноят кўчасига етаклаши мумкин.

Шу маънода ҳуқуқий тарбия ва маърифат ишларини янада кучайтириш орқали шахсининг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бар-тараф этиш чора-тадбирларини кўриш муҳим ҳисобланади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзосини диний-ҳуқуқий билимдон қилиш, ҳуқуқий савиясини ошириш, дунёда бўлаётган воқеаларга муносабат билдира олиши ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолаверади.

Ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири –

одамларнинг диний билимга алоқадор ҳуқуқий маданияти савияси, ҳуқуқий онги ўсиши динамикасини мониторинг қилишини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бунда фуқароларни диний ва ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда эскирган услублардан фойдаланилаётгани ҳам бор гап, бу эса диний-ҳуқуқий ахборотларнинг аҳолига ўз вақтида, тўлиқ етказилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, аҳоли ижтимоий фаол қатламининг, хусусан, ёшларнинг диний-тарихий, фалсафий-маънавий ахборотга бўлган эҳтиёжлари ва талаблари тўлиқ қамраб олинмаяпти.

Муаммолар ҳақида гап борар экан, ҳеч шубҳасиз, аҳолини диний ва ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш ғоят долзарб вазифа эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Миллат хавфсизлигини таъминлашда асосий йўналишларидан бири — бу ахборот, хусусан,

диний-ҳуқуқий ахборот олишда ва ундан фойдаланишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя қилиш, жамиятнинг маънавий қадриятларини, миллий анъаналарни, давлатнинг маданий ва илмий потенциалини сақлаш ва ривожлантириш, маҳаллий ва халқаро ҳамжамиятга давлат сиёсати бўйича ҳаққоний маълумотларни етказиш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун жамиятни диний-ҳуқуқий билимдон қилиш, қадриятлар, урф-одатлар ва қонунларга ҳурмат ҳиссини янада кучайтириш, диний-ҳуқуқий маърифатни янада ривожлантириш орқали юксак ҳуқуқий маданиятга эришиш, комил инсонни вояга етказиш, муқаддас динимизни асраб-авайлаш, бой тарихий, илмий меросимизни дунёга танитиш, шу орқали терроризм ва экстремизмга қарши самарали курашиш давлатимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.



¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.40-41.

² Ушбу китоб Тошкент ислом университети нашриёти томонидан 2000 йилда нашр этилган.

³ Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ Ҳамкорлик Ташкилоти Ташқи ишлар вазирларининг 43-сессиясининг очилиши маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. 2016 йил 19 октябрь.

Алишер АЧИЛОВ,
Олий ҳарбий божхона институти кафедра бошлиғи
Хамдам ИСМОИЛОВ,
Олий ҳарбий божхона институти ўқитувчиси

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада вояга етмаганларнинг қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқ ва манфаатларини такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.
- ◆ В данной статье освещены вопросы совершенствования законодательства в сфере прав и интересов несовершеннолетних.
- ◆ This article highlights the issues of improving legislation in the area of the rights and interests.

Таянч сўзлар: вояга етмаган, психофизиологик хусусиятлар, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш.

Ключевые слова: несовершеннолетний, психофизиологические аспекты, права и законные интересы, производство по отдельным категориям уголовных дел.

Key words: juveniles, psychophysiological aspects, rights and legitimate interests, conduction of the criminal cases in certain categories.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланади.

Жиноят процесси инсон ҳуқуқ ва манфаатларига сезиларли даражада таъсир қиладиган давлат фаолияти тури бўлиб, бунда шахсга турли жиноят-процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши, уни жиний жавобгарликка тортиш, озодлигини чеклаш каби масалалар ҳал қилинади. Одил судловни амалга оширишда шахсни қайта тарбиялаш ушбу фаолият диққат марказида туради, айниқса, вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишларини судда кўришда бу янада долзарб аҳамият касб этади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш вояга етмаганларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларидан келиб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процесуал кодексининг бундай ишларни юритиш тар-

тибига бағишланган 60-бобида белгиланган қоидалар асосида олиб борилади. Аммо, бундай ишларни юритишнинг алоҳида бобда белгиланганлиги умумий тартибда иш юритишда жиддий фарқ қиладиган алоҳида иш юритувини билдирмайди. Бу вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўшимча равишда химоя қилиш билан боғлиқ кафолатлар белгиланган умумий тартибдаги иш юритишдир. Бундай кафолатлар ўзининг ёш хусусиятига кўра жиноят процессида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла химоя қила олмайдиган шахсларга ёрдам бериш заруратидан келиб чиқади.

Қонун чиқарувчилар ушбу бобдаги қоидаларни шакллантиришда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.), Бола ҳуқуқлари декларацияси (1959 й.) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.), БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (1989 й.), Озодликдан маҳрум қилинган вояга ет-

маганларнинг ҳимоясига оид БМТ қоидалари (1990 й.) талабларини ҳисобга олиш шарт.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиб, улар 1985 йил 10 декабрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан № 40/33 резолюция билан қабул қилинган БМТнинг вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича Минимал Стандартларида ўз аксини топган (ушбу ҳужжатнинг якуний матни Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқланганлиги учун улар «Пекин қоидалари» деб ҳам юритилади).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 547-моддасига мувофиқ, жиноят қилгунга қадар 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятларига оид ишлар алоҳида иш юритуви тартибида кўрилади, жинойи жавобгарлик ёши эса 13, 14, 16 ва 18 ёш қилиб белгиланган (ЖКнинг 17-моддаси). Жинойи жавобгарлик ёшининг бу тарзда белгиланганлиги халқаро ҳужжатлар талабларига мос бўлиб, вояга етмаганларнинг содир этган қилмишларига нисбатан руҳий муносабатини ҳамда қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини назарда тутган. Вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишларни юритиш қуйидаги хусусиятларга эга:

1) вояга етмаганлар ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ўзига хослиги ҳисобга олинади. Бундай турдаги ишларни юритишда дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича умумий тартибда иш юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари қуйидагилар исботланиши лозим:

- вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни);
- вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

Ушбу ҳолатларнинг белгиланиши «Пекин қоидалари» талабларига жавоб бериб, вояга етмаганлар жиноят содир қилишининг аниқ сабабларини топиш, унга нисбатан ёш ва ақлий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсир чораларини қўллаш имконини беради.

2) Вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишларни юритишда қонуний вакиллар ва ҳимоя-

чилар иштирокининг шартлиги.

Ҳимоячи вояга етмаган шахсга нисбатан ҳуқуқий ёрдам кўрсатса, қонуний вакиллар эса психологик ва руҳий ёрдам кўрсатади.

3) Вояга етмаган айбланувчи (гумон қилинувчи)ни сўроқ қилишнинг ўзига хослиги.

Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади.

Сўроқ қилиш чоғида терговчининг рухсати билан вояга етмаган шахснинг қонуний вакили иштирок этиши мумкин. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 553-моддасига мувофиқ, вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, олти соатдан ошмаслиги керак.

Фикримизча, ЖПК 553-моддасида вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, тўрт соатдан ошмаслиги керак, деб ўзгартирилиши керак.

4) Вояга етмаган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашнинг ўзига хослиги назарда тутилади.

ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда вояга етмаган айбланувчига ЖПКнинг 237-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораларидан бирини қўллаш мумкин. Вояга етмаган шахс ота-онасининг, ҳомийлар, васийларнинг қаровига ёки башарти у болалар муассасасида тарбияланаётган бўлса, шу муассаса раҳбарларига ҳам берилиши мумкин. ЖПКнинг 556-моддасида вояга етмаган шахсни қаровга топшириш тартиби, 557-моддасида вояга етмаган шахсни болалар муассасасига жойлаштириш тартиби, 558-моддасида вояга етмаган айбланувчини қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби белгиланган.

Фикримизча, ЖПКнинг 558-моддасида вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг максимал муддати белгиланиши керак. Ушбу ҳақ ҳолатнинг қонунда кўрсатилиши вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини ўз вақтида, ортиқча сансалорликларсиз кўриб чиқишга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўшимча кафолатлар яратилишига олиб келади.



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси,
ю.ф.д., проф.

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мақолада рецидив жиноятчилиқнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, унга қарши кураш сиёсатини амалга ошириш ва олдини олиш масалалари кўриб чиқилган.

◆ В статье рассмотрены вопросы степени социальной опасности рецидивных преступлений, реализация политики по борьбе с ними и его предупреждения.

◆ This article analyses social danger of the relapse crime, ways of policy making on prevention.

Таянч сўзлар: рецидив, жиноят, жиноятчилик, профилактика, маҳкум, маъмурий назорат.

Ключевые слова: рецидив, преступление, преступность, профилактика, осуждённый, административный надзор.

Key words: relapse, crime, prevention, convicted, administrative supervision.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўли танланди. Мамлакатимиз ривожланиш дастурининг асосий хусусияти бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш, барча соҳаларда самарали ислохотларни амалга ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш, фуқароларимиз фаровонлиги ва тинчлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳуқуқларини ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратишдан иборат.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жиноятларнинг содир этилишига асос бўлаётган омилларни йўқ қилиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. 90-йилларнинг бошларига келиб мамлакатимизда жиноятчилик даражаси анча юқори эди ва бу муаммони ижобий ҳал қилмасдан туриб, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мушкул вазифа эди. Жиноятчиликка қарши кескин кураш олиб бориш ўз тараққиёт йўлига эга бўлган бугунги Ўзбекистоннинг ривожланишида энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида: “Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий ҳолатга ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳоди-

са билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлида жиддий тўсиқ, балки, ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради¹”, деб жиноятчиликка баҳо берган.

Рецидив жиноятчилик умумий жиноятчиликнинг энг хавфли турларидан бири бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам шундай бўлиб келмоқда. Статистик ҳисоботларга кўра, мамлакатимизда муқаддам судланганлар томонидан қайта содир этилган жиноятлар сони камаймоқда, лекин уларнинг жамият учун хавфлилик хусусияти камайган эмас. Бу турдаги жиноятларни содир этган шахслар, уларга нисбатан аввал ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилганлигига қарамадан яна қасддан жиноятларни содир этишга ҳаркат қиладилар ва ўзларининг жиноий фаолиятларини давом эттираверадилар. Бошқача қилиб айтганда, улар жиноятчиликни ўзларига касб қилиб оладилар. Шу боисдан ҳам улар жамиятга, инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига, мавжуд ижтимоий тизимга, умуминсоний қадриятларга жиддий хавф туғдирадилар. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уларга қарши кескин кураш олиб бориш масъулиятини юклайди.

Рецидив сўзи латинча “(recidivus — қайтарилаётган) йўқолиб бораётган ҳолатнинг қайтарилиши, такрорланиши”² деган маънони беради. Рус тилида эса, рецидив сўзи “аввал мавжуд бўлган ҳодисанинг қайтарилиши”³, деган маънода келади. Демак, рецидив тушунчасининг зарурий белгиси шахснинг жиноий фаолиятдан воз кечишга қаратилган

чора-тадбирларнинг унга ҳеч қандай таъсир қилмаганлигини ва самара бермаганлигини, шунингдек, бу жиноятчининг давлат томонидан унга нисбатан берилган инсонпарварлик имтиёзини менсимаганлигидан, ишончни оқламаганлигидан далолат беради.

Рецидив жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги шундаки, шахснинг олдинги содир қилган жиноий қилмишига қонунга асосан муайян чоралар кўрилганлигига қарамасдан, у ўзининг муаммоларини ҳал қилиш учун жамиятда ўрнатилган меъёрларга риоя қилишни хоҳламай, криминал вариантни танлаганлиги туфайли жиноят содир қилишга мойил бўлиб қолади.

Рецидив жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга ошириш ва унинг олдини олишдан кўзланган мақсадга эришиш учун, муқаддам судланган шахслар тоифаси томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Муқаддам судланган шахслар томонидан жиноятларнинг такрор содир этилиши бундай шахсларда жамиятга зид йўналишдаги қарашларнинг мустаҳкамлигини кўрсатади. Аммо бу нарса жиноят содир қилаётган шахсларнинг тақдирига бефарқ бўлиш, уларга нисбатан ғамхўрлик қилишнинг ҳеч қандай зарурияти йўқ деган хулоса бермайди. Ақсинча, қайта жиноят содир қилувчи бундай шахслар ўсган муҳит, уларни жиноят содир этишга олиб келган ҳолатлар, улар ўсган шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

Бу турдаги жиноятчиликнинг олдини олишда фақат жиноят ҳуқуқий нуқтаи назардан жавобгарликни кучайтириш орқали ижобий натижаларга эришиб бўлмайди, чунки жиноятнинг олдини олиш, уни содир этгандан кейин жазолашдан афзал эканлиги барчага маълум. Бу ҳақда мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримов иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган “Адолат — қонун устуворлигида” деб номланган маърузасида жиноий жазоларни либераллаштириш, эркинлаштириш масалаларига алоҳида урғу бериб, шахсларни жазолашдан кўра, жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш лозимлигини қайд этган⁴.

Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишдан кўзланган мақсадга фақат бу йўналишдаги криминалогик чораларнинг узлуксиз бажарилиши натижасида эришилади. Демак, суд томонидан жиноий жазо тайинланган шахсга нисбатан тарбиявий-профилактик чоралар нафақат унинг жазони ўташ жараёнида, балки жиноий жазони ўтаб, ўзининг яшаш жойига, меҳнат жамоасига қайтиб келганидан кейин ҳам давом эттирилади. Бу жиноятчиликнинг олдини олишда жазони ижро этиш колониясидан маҳкумларни озод қилиш ҳамда уларни иш ва турар жой билан таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда давлат муассасалари ва жамоат бирлашмалари ҳам иштирок этадилар. Бу жараённинг эътиборли томони шундаки, унда жазони ўташ жойларидан озод этилаётган шахслар-

нинг ҳаётда мослашиб олишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва шу йўл орқали рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш мақсад қилиб қўйилади⁵.

Ҳозирда жазони ўташ жойларидан озод бўлаётган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлаш борасида уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда зарур чоралар кўриш жиноят-ижроия қонунчилигидан ташқари, ҳокимликлар ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказлари Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида тартиблаштирилган. Амалда жазони ўтаб қайтган шахсни иш ва турар жой билан таъминлаш масаласи ҳокимликлар, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан ўз имкониятлари доирасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Фикримизча, меъёрий ҳужжатларда шахар, туман ҳокимликлари, қишлоқ кенгашлари ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари ва меҳнат жамоаларида жазони ўташ жойларидан бўшатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни ҳимоялаш мақсадида маълум даражада иш ўринларининг ажратилиши кўрсатиб ўтилиши шарт.

Рецидив жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда юқорида таъкидлаб ўтилган умумий криминалогик чоралар қаторида яқка тартибдаги криминалогик чораларни қўллаш ҳам самарали натижаларни беради. Яқка тартибдаги криминалогик чораларни амалиётда кимлар тоифасига нисбатан, қачон ва қайси ҳолларда қўлланилиши, бу чораларни ўтказувчи субъектлар (ота-она, мактаб, меҳнат жамоалари, жазони ижро этиш муассасаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳ.к.) томонидан аниқ ва тўғри белгиланиши ҳам катта аҳамиятга эга⁶.

Жиноятларнинг олдини олишда яқка тартибдаги криминалогик чоралар ҳали жиноят содир этмаган шахсларга нисбатан уларнинг хулқ-атворида салбий хусусиятлар кучлилиги ва жиноят содир этишга мойиллиги сабабли фақат жиноятларнинг олдини олиш учун ўтказилса, рецидив жиноятларни содир этувчи, муқаддам судланган шахслар тоифаси билан уларни тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш ҳамда улар томонидан қайта жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида олиб борилади.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумлар билан олиб бориладиган яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг шахси ўрганилади ҳамда шахсий хусусиятлари эътиборга олинади. Маҳкумларнинг шахсини ўрганишни қуйидаги тартибда амалга ошириш мумкин:

- маҳкумнинг шахсини батафсил ўрганиш;
- маҳкум билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик мазмундаги сўхбатлар ўтказиш;
- маҳкумнинг жазони ўташ жараёнидаги тартиб-қоидаларга, ишлаб чиқариш, мактаб ва хунар бошқа ўқув муассасаларида маълумот олишга бўлган муносабати ва хулқ-атворини қузатиш;
- маҳкумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишилари билан сўхбат ўтказиб бориш;
- маҳкумнинг ёзишмаларини текшириш ва бошқалар.

Муқаддам судланган шахслар билан якка тартибда олиб бориладиган криминологик чораларнинг энг зурур шартларидан бири, жазони ўташ жойларидан бўшатишган шахсларни ички ишлар органлари ходимлари томонидан дастлабки профилактик суҳбатдан ўтказиш ҳисобланади. Унинг шахсига оид маълумотларни, яъни судлангунга қадар алоқалари, маиший ва оилавий шароити, турар жойининг бор ёки йўқлиги, оиладаги вазият ва оила аъзоларининг унга муносабати, моддий таъминот, шунингдек, жазони ўташ жойларидаги хулқ-атвори, тарбиявий ва ахлоқ тузатиш воситаларига бўлган муносабати, унинг тузалиш даражаси чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши шарт.

Бундай шахс томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда эса уларнинг бўш вақтларини қандай, қаерда ва кимлар билан ўтказиши билан боғлиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда якка тартибдаги профилактик чоралар олиб бориш зарур. Уларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмаслиги ёки бу масалага ички ишлар органлари ходимлари томонидан етарли даражада эътибор берилмаслиги, уларнинг хулқ-атвори устидан олиб борилаётган назоратнинг кучсизланишига олиб келади. Назоратсиз қолган муқаддам судланган шахслар бундай ҳолатда жамиятга зид турмуш тарзини юритувчи, жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар тоифаси билан тез “тил топишга” ҳаракат қилишлари ёки вояга етмаганлар, ёшларни жиноий фаолиятга бошлашлари мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жазони ўташ жойларидан бўшатишган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлашда ёрдам кўрсатишдан ташқари уларга паспорт олишлари ва рўйхатга қайд қилдиришда ҳам ёрдам кўрсатилади. Аммо амалиётда жазони ўташ жойларидан бўшатишган шахсларнинг ўз вақтида яшаш жойларига рўйхатга қўйилмасликлари, бу ишни паспорт столи ва профилактика нозирлари пайсалга солиши оқибатида муқаддам судланган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилиши ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш борасида якка тартибдаги криминологик чоралар, яъни жазони ўташ жойларидан бўшатишган шахсларга маъмурий назорат ўрнатиш фаолияти муҳим роль ўйнайди. Муқаддам судланган шахслар тоифаси билан олиб бориладиган маъмурий назорат ўрнатиш тадбири ўзида комплекс профилактик чораларни мужассамлаштирган бўлиб, жазони ўташ жойларидан қайтган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муқаддам судланган шахслар тоифаси устидан ўрнатиладиган маъмурий назоратнинг ҳуқуқий асоси суд қарори ҳисобланади. Муқаддам судланган шахслар тоифасига нисбатан маъмурий назорат улар жиноий жазони ўташдан озод бўлишига камида бир ой қолганда, унинг ахлоқан тузалиш йўлига кирмаганлиги, ҳалол меҳнат қилиб кун кечирishi

истамаганлиги ҳақида далолат берувчи материаллар жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан судга тақдим этилганда ёки жазони ўташ жойларидан бўшаб келган шахс ўзининг яшаш жойида жамиятга зид турмуш тарзини юритаётганлигидан далолат берувчи материаллар асосида ҳудудий ички ишлар идораси бошлиғининг судга киритган тақдимномасига кўра ўрнатилади. Маъмурий назоратнинг асосий мақсади илгари судланганлар томонидан такрор жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларда ижобий ижтимоий йўлга кириб олишни шакллантиришдан иборатдир³.

Ички ишлар органлари ходимлари маъмурий назоратни амалга ошириш давомида назорат остига олинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган чеклашларни белгилашда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишлари, қўлланилаётган чеклашлар мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини, ижобий ёки салбий таъсир этишини қатъий ҳисобга олишлари лозим. Маъмурий назорат остига олинаётган шахсларнинг турмуш тарзи, оилавий аҳволи, аввалги судланганлиги ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатлар ички ишлар идоралари ходимларининг эътиборида бўлиши лозим. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан белгилаб қўйилган баъзи бир чеклашларнинг ноўрин қўлланилиши уларнинг оила аъзолари билан муносабатларига салбий таъсир этиши мумкин. Қонунда белгиланган чеклашлар рўйхати ўзил-кесил ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас. Маъмурий назорат остида бўлган шахсларга нисбатан ҳуқуқий чеклашларнинг аниқ ва тўғри белгиланиши якка тартибда олиб бориладиган криминологик чораларнинг самардорлигини ошириш билан бир қаторда, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари изчиллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг барча тизимлари, вилоятлар, шахар ва туман ҳокимликлари қошида тузилган ижтимоий мослашув марказлари ҳамда жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жазо муддатини ўтаб қайтган, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган, амнистия ёки афв этиш асосида жиноий жазони ўташдан озод этилган, шунингдек, ҳукм ижроси кечиктирилиб, синов муддати белгиланган шахслар тўғрисида тўла ахборотга эга бўлишлари шарт. Уларнинг тақдирига масъулият билан ёндашиб ҳамкорликда иш олиб бориш рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш гаровидир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш борасида, фикримизча, якка тартибдаги тарбиявий-профилактик тадбирларга алоҳида урғу берилиши лозим. Бу тадбир, ўз навбатида, жиноят содир қилган шахсларнинг ахлоқий хислатларини ўзгартиришга, такроран жиноят содир этиш фикридан ихтиёрий равишда қайтишга объектив, субъектив ҳамда махсус омиллар

асосида ўз таъсирини ўтказувчи профилактик чоратадбирларни ўз ичига олади. Прокуратура органлари томонидан жиноят-ижроия қонунчилигининг бажарилиши устидан назоратнинг кучайтирилиши ҳам рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштирувчи янги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш бўйича олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш лозим. Жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, маҳкумларни ушлаб туриш шароитларини халқаро меъёрлар даражасига олиб чиқиш, бу жараёнда чет мамлакатлардаги амалиётни ўрганиш, маҳкумлар билан тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича янги усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, жиноят-ижроия тизимига ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига юқори малакали ходимларни жалб қилиш, рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш борасида халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш зарур.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий адолат тамойиллари асосида иш кўриш, қонун устуворлигини таъминлаш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада профилактика чораларини тобора кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилангани қайд қилинган соҳага доир чора-тадбирлар жадаллаштирилишининг ёрқин намунаси дир.

Давлат ва жамиятнинг ривожланиши қонунчилик базасини такомиллаштириш ва уни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштириш заруриятини юзага келтиради. Бусиз мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларида кенг кўламдаги демократик ислохотларни амалга ошириб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларининг қабул қилиниши ва улар ижросининг тўлақонли таъминланиши маълум даражада рецидив жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Ҳаммамиз шуни тан олишимиз керак, жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири — бу одамларнинг қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни шу руҳда камол топтириш, фуқароларнинг қонунни пухта билиши, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишидан иборат. Буни эсимиздан чиқармаслигимиз зарур”, деб қайд қилган фикрлари жиноятчилик, шу жумладан, рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.



¹ И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6.Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 7-б.

² Словарь иностранных слов. —М.: 1964, стр.564.

³ Ожегов С.И. Словарь русского языка. —М.: 1987, стр.590.

⁴ Каримов И. «Адолат — қонун устуворлигида» маъруза — т.10, Тошкент: Ўзбекистон, 516.

⁵ Зарипов З. Кержнер М. Профилактика правонарушений. .Т.: Ўзбекистон, 1993, стр.61-62.

⁶ Қаракетов Й.М., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминалогик чоралари. .Т.: Ўзбекистон, 205-б.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабр, 750-ХII-сон Қонуни (Қонун номи Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги 832-1-сон Қонуни таҳририда) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда.

Нодира ЗИКРИЛЛАЕВА,
к.э.н., заведующая кафедрой Учебного центра при Министерстве финансов

ВНУТРЕННИЙ КОНТРОЛЬ ФИНАНСОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ КОРРУПЦИИ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

- ◆ *Мақолада ички назорат ва аудит тизимининг ривожланиши Канада, Франция, Буюк Британия ва Россия Федерацияси мамлакатлари мисолида ўрганилган.*
- ◆ *В данной статье изучено развитие системы внутреннего контроля и аудита на примере Канады, Франции, Великобритании и Российской Федерации.*
- ◆ *The article analyzes the development of internal control and audit systems in Canada, France, Great Britain and the Russian Federation.*

Таянч сўзлар: давлат бошқарувида молия назорати, самарадорлик аудити, ички назорат, ички аудит, ташқи назорат, молия инспекцияси.

Ключевые слова: финансовый контроль в государственном управлении, аудит эффективности, внутренний контроль, внутренний аудит, внешний аудит, финансовая инспекция.

Key words: financial control in public administration, performance audit, internal control, internal audit, external audit, financial inspection.

Развитие национальных систем государственного финансового контроля в определенной степени связано с использованием лучшего зарубежного опыта, его достижений. При этом, в каждой стране существуют отличия в системе государственного контроля государственных финансов, обусловленные историческими традициями, социальными и экономическими особенностями.

В конце 1950-х — начале 1960-х гг. органы государственного финансового контроля ряда стран (в частности, Канады, Швеции) начали проводить проверки государственных расходов

не только в отношении их соответствия закону, но и с точки зрения общественной полезности, в аспекте тех результатов, которые общество получило от законно израсходованных бюджетных средств. Иными словами, стали разрабатываться основы проведения аудита эффективно.

В результате последовательной и эффективной деятельности Международной организации высших контрольных органов (ИНТОСАИ) принятая в 1977 г. Лимская декларация руководящих принципов контроля (далее — Лимская декларация), позволила выработать единые подхо-

ды к повышению роли органов финансового контроля в государственном управлении, широко внедрять передовой опыт в национальные системы контроля и управления.

В Лимской декларации также было зафиксировано развитие и прогрессивное значение аудита эффективности. В частности, подчеркивалось, что в дополнение к финансовому аудиту, «важность которого неоспорима, имеется также другой вид контроля, который направлен на проверку того, насколько эффективно и разумно расходуются государственные средства. Такой контроль включает не только специфические аспекты управления, но и всю управленческую деятельность, в том числе организационную и административные системы».

Мировой опыт свидетельствует о том, что эффективное управление государственными финансами предполагает обязательное применение внутреннего контроля или внутреннего аудита.

Теория управления рассматривает «внутренний контроль» как реализатор функции «обратной связи», т.е. обеспечивает органы управления информацией о потенциальных и реальных рисках и препятствиях, возникающих или при достижении запланированных целей деятельности.

В отличие от внешнего государственного финансового контроля, который периодически осуществляется Счетной палатой, и в основном на выборочной основе, внутренний контроль обладает определенными «техническими» преимуществами. В частности, использует лучшее знание контролерами объекта проверок, непрерывен и позволяет проводить значительно больший объем специальных процедур.

В этой связи, в ряде экономически развитых стран приняты государственные программы по дальнейшему совершенствованию внутреннего контроля в органах исполнительной власти и государственных учреждениях.

Так, в Канаде с 2009 г. действует новая политика в отношении внутреннего аудита (Policy on Internal audit). Во Франции с 2009 г. департаментом Главного финансового контролера внедряется Система внутреннего государственного аудита (State internal audit system).

В Великобритании в 2010 г. Казначейством подготовлен и предложен для публичного обсуждения План кардинального совершенствования внутреннего аудита (Internal Audit Strategic Improvement Plan). Великобритания так-

же провела реформы внутреннего контроля и аудита, однако в ее случае основной задачей было создание более эффективной системы внутреннего контроля и аудита, которая обеспечивала бы надлежащую работу и прозрачность системы государственного управления.

Следует отметить, что в РФ также внедрен внутренний контроль и аудит (см. рис 1.) через систему Казначейства Министерства финансов РФ.

При этом, необходимо обозначить, что «внутренний аудит» в соответствии со стандартами ИНТОСАИ и передовой практикой, это часть системы «внутреннего контроля». Внутренний аудит в отличие от контроля и инспекции не занимается пресечением нарушений, а предоставляет советы Руководству государственного органа касательно построения и функционирования управленческих и операционных систем контроля, в том числе антикоррупционного контроля.

Рис.1. Система государственного финансового контроля (аудита) в РФ¹.



Рис.2. Полномочия федерального Казначейства РФ по осуществлению государственного бюджетного контроля².



В частности, внутренний аудит — деятельность по проведению и оценке текущей работы организации, осуществляемая, как правило, ее

внутренним подразделением и направленное на контроль и выработку рекомендаций по совершенствованию управления.

Цель внутреннего аудита — помочь руководству и сотрудникам организации эффективно выполнять свои обязанности или же оценить эффективность достижения поставленных перед организацией целей. Внутренний аудит выносит объективную и независимую оценку по следующим направлениям деятельности:

- Ц управление рисками
- Ц контроль
- Ц результативность управления.

Задачи внутренней аудиторской деятельности — выработать политику по риск-менеджменту, контролю и управлению, процедуры ее реализации, а также конкретные действия, направленные на реализацию поставленных целей в соответствии с существующими юридическим и этическими стандартами организации. Основным результатом внутреннего аудита являются рекомендации по совершенствованию работы учреждения, а также отслеживание исполнения этих рекомендаций. Консультационная работа внутреннего аудита содействует снижению рисков, улучшению контроля и управляемости учреждения. Работа по проведению внутреннего аудита выступает гарантом качества учета и контроля в организации. Этические нормы внутреннего аудита включают такие понятия как честность, объективность, компетентность и конфиденциальность.

Кўпчилик давлатларнинг жиноят қонунчилигида вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кам ёш чегараси белгиланган. Бу ёшга етмаган, лекин жиноят содир этишда айбдор, деб топилган вояга етмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмасдан, балки ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлишади.

1989 йил БМТ Бош ассамблеяси томонидан “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган бўлиб, у жиноий йўлга кириб қолган болалар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қатор нормаларни ўз ичига олади. Конвенцияга мувофиқ болалар деганда, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар тушунилади³. Бу таъриф Ўзбекистон Республикаси Жиноят ко-

дексидаги вояга етмаганлар тушунчасига мос келади. Конвенция вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал муддатини белгилайди. Лекин қатор давлатларда бу ёш чегараси белгиланганидан ҳам кам бўлиши мумкин. Масалан, Ирландия жиноят қонунчилигида субъект ёши 7 ёш, Японияда 13 ёш, Нидерландияда 12 ёш қилиб белгиланган. Жиноят қонунчилигида субъект ёшнинг бундай белгиланиши шахснинг ақлий ва жисмоний ривожланганлик даражасидан келиб чиққан.

Ҳуқуқшунос олимлар, давлатнинг олий ҳоқимият органлари вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда жиноят-ҳуқуқий нормаларини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг фундаментал назарий қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни муайянлаштириш масаласига катта эътибор қаратмоқдалар. Шу ўринда вояга етмаганларни жиноий жазодан озод қилиш, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чораларни қўллаш, шунингдек, вояга етмаганларга тарбиявий характердаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ чет эл қонунчилигида эришилган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳозирги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Франция ва ГФР Жиноят кодексларида вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги масалалари ва унга мувофиқ тарбиявий таъсирга эга чораларни уларга нисбатан қўллаш тўғрисида акс этмаган. Аммо Франция ЖКнинг 122-8-моддасига мувофиқ⁴, жиноят содир этишда айбланаётган вояга етмаган шахсларга нисбатан алоҳида қонун томонидан белгиланган тартиб ва шароитлар асосида уларга нисбатан ҳимоя, ёрдам, назорат ва тарбия чораларини қўллаш мумкин. Шунга ўхшаш ҳолат ГФР ЖКнинг §10 да ҳам кўзга ташланади⁵. Франция қонунчилиги тизимида вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги масаласи 1945 йил 2 февраль куни қабул қилинган “Вояга етмаганлар жавобгарлиги институти” номли Ордонас доирасида амалга оширилиб, унга кўра ҳимоя, ёрдам, назорат ва тарбия чоралари қуйидагилардир:

тўла озодлик шароитида қўлланиладиган тарбиявий таъсир чоралари (оилада, ишончли шахс ёки вояга етмаган шахсни ижтимоий орган хизматида топшириш);

вояга етмаган шахснинг хулқи, муҳити, ҳаёт тарзи устидан назорат юритиш;

вояга етмаганни интернатга жойлаштириш (давлат ёки хусусий, тиббий ёки тиббий-психологик, вояга етмаган шахс хулқ-атворидан келиб чиқиб чуқур назорат ёки тарбия муассасасига).

Хавфсизлик чоралари ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни ижтимоий адаптация қилишга қаратилган. У ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратил-

ган чораларни ўз ичига олиб, вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланиш уларнинг асосий вазифасига киради.

ГФР қонунчилиги вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги хусусиятларининг ўзига хосликлари борасида қуйидагиларни ўз ичига олади: 1953 йил 4 август кунги вояга етмаганлар ишлари бўйича адолатли амалга ошириш ҳақида қонун (1950 йил 1 декабрь кунги таҳририда); 1955 йил 12 февраль кунги мазкур қонунга йўриқнома; камок жазоси кўринишидаги жиноий жазо ижроси ҳақида қонун; вояга етмаган жиноятчиларга нисбатан камокқа олиш ижроси тартиби ҳақида йўриқнома. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ГФР жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахслар учун жиноят ҳуқуқида мустақил тизим мавжуд⁶. Мазкур тизимнинг ўзига хослиги шундаки, вояга етмаган ҳуқуқбузарларга таъсир этишнинг икки альтернатив шакли белгиланган: умумий асосларда жазо қўлланилиши ёки суд процессидан олдинги босқичда тарбиявий таъсир чоралари қўлланилиши («диверсион»). Диверсион чоранинг мазмуни шундаки, у вояга етмаган шахсга нисбатан жиноий ҳаракатлардан воз кечиш ва унга нисбатан жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмаган тарбиявий чораларни қўллашни билдиради⁷. Вояга етмаганлар учун судлар қонунининг 5-параграфига мувофиқ бундай чоралар сирасига қуйидагилар киради:

вояга етмаганнинг ижтимоий хавфли ҳаракати натижасида етказилган зарарни қоплаш;

даъвогар билан ярашиш ва ундан кечирим сўраш мажбуриятини зиммасига юклаш;

ота-онаси ёки ишончли шахслар назорати остига топшириш;

жамият учун фойдали ишларга жалб қилиш.

Кўрсатилган қонунга мувофиқ, юқоридаги тарбиявий чоралар қўлланилиши ҳақидаги масала прокурор томонидан суд процессидан олдинги босқичда ёки суд томонидан айблов ҳукми чиқарилмай туриб ечилади. Шундай қилиб, Франция ва ГФР қонунчилиги бўйича жиноят содир этишда айбланаётган вояга етмаган шахсга тарбиявий таъсир жиноий-ҳуқуқий воситалар билан ечиладиган масалалар сирасига кирмайди ва доимо ҳам суд ишлари тоифасига киравермайди. Демак, тарбиявий таъсир чораларининг қўлланилиши айбланувчининг судланиши билан боғлиқ бўлмай, криминал ҳаракатга нисбатан давлатнинг жавобидир.

Англия жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган тарбиявий таъсирга эга бўлган чораларнинг ўзига хос турлари мавжуд. Ушбу чоралар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмасдан ёш жиноятчиларга нисбатан қўлланилади. Шундай чоралардан бири жамиятга бепул хизмат кўрсатиш бўлиб, 1982 йилги “Жиноий юстиция тўғрисида”ги Қонунга

мувофиқ, ушбу чора 16 ёшга тўлган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу жазо чорасини суд турма кўринишидаги жазо тайинланиши назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор, деб топилган шахсларга тайинлаши мумкин. Буйруқда суд ҳукм қилинган вояга етмаган шахс белгиланган муддат мобайнида бепул ишларни бажариш мажбуриятини белгилаши мумкин. Буйруқ бўйича жамиятга бепул хизмат кўрсатиш муддати, агар гап вояга етмаган шахслар тўғрисида кетганда (катта ёшли жиноятчилар учун иш муддати 240 соатгача бўлган муддатни ташкил этади), 40 соатдан 120 соатгача бўлган муддатни ташкил қилади.

Бундан ташқари, суд вояга етмаганлар бўйича васийлик тўғрисидаги, вояга етмаганларнинг яхши хулқ-атворини таъминлаш учун ота-оналар ва васийларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги, жарима тўлаш, зарар ёки суд харажатларини ундириш тўғрисидаги буйруқларни чиқариши мумкин.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан Англия жиноят қонунчилигида қўлланиладиган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва қизиқиш уйғотувчи яна бир чоралардан бири, бу уларнинг хулқ-атвори устидан назоратни назарда тутувчи “ҳаракатлар режаси” буйруғидир. Бундай турдаги буйруқ суд томонидан жазоси қонунда аниқ белгиланмаган жиноятни содир этган ёш болалар ва ўсмирларга нисбатан чиқарилади. Магистрат судининг бундай буйруқ чиқаришдан кўзлаган мақсади ёш ҳуқуқбузарнинг реабилитациясини таъминлаш ва унинг кейинги жиноий фаолиятига чек қўйиш ҳисобланади.

Буйруқнинг амал қилиш муддати 3 ойни ташкил этиб, ушбу муддат давомида ҳуқуқбузар шахс ваколатли шахс назорати остида бўлиб, буйруқда кўрсатилган талабларга риоя этиши лозим. Масалан, буйруқда вояга етмаган ҳуқуқбузар бирор-бир тадбирларда иштирок этиш ёки аксинча, муайян тадбирда иштирок этмаслик, манзил марказларида ўқув муассасаларида бўлиш, етказилган зарарни натура шаклида қоплаш каби талаблар кўрсатилиши мумкин.

Англия қонунчилигида ёш болалар ва ўсмирлар томонидан содир этиладиган жиноятларни тўхтатиш борасида полиция органларига тақдим этилган янги ваколат диққатга сазовордир. Масалан, 1998 йилги қонунда агар ёш жиноятчи (17 ёшдан ошмаганлар) томонидан содир этилган жиноят кам аҳамиятли бўлса ва оммавий манфаатлар жиноятчини суд қилишни талаб қилмаса, “констебель жиноий таъқиб” қўзғатиш ўрнига, вояга етмаган шахсга танбеҳ ёки огоҳлантириш бериши мумкин.

Бундай чора илгари судланмаган, шунингдек, танбеҳ ва огоҳлантириш олмаган болалар ва ўсмирларга нисбатан қўлланилади. Танбеҳ

ёки огоҳлантириш ҳуқуқбузарга полиция участкасида ота-оналар ёки васийлар иштирокида эълон қилинади. Қонунда белгиланишича, бундай чора ҳуқуқбузарга вояга етмаганлар тилида тушунарли қилиб етказилиши лозим. Огоҳлантириш ёки танбеҳ эълон қилингандан сўнг, констебель ҳуқуқбузарни реабилитация дастурида иштирок этиши учун махсус ёш гуруҳга юборади.

Швейцария ЖКнинг 91-моддасига мувофиқ, “ўсмирга нисбатан алоҳида тарбиявий таъсирга эга чора лозим бўлса, яъни тарбияси оғир бўлса ёки жамият учун катта хавф туғдирса, унинг тарбияси устидан ёрдам кўрсатиш мақсади, керакли оилага жойлаштириш ёки меҳрибонлик уйига йўналтириш” қўлланилади. Тарбиявий ёрдам сирасига 14 кунгача қамоққа олиш ёки жарима ҳам кириши мумкин (ЖК, 91-моддаси 1-қисми). Тарбияда ёрдам кўрсатуви шахслар, ўсмир устидан зарурий тарбия, ғамхўрлик ва таълимни таъминлашлари шарт⁸. Улар тарбияланувчи ишлаши, машинали тўғри сарфлаши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиши устидан ҳам назорат юритиши шарт. Вояга етмаган шахсга исталган вақтда таълим олиши, касб эгаллаши, ташриф буюриши, зарарни қоплаш бўйича йўриқнома ҳам берилади (ЖК, 91-моддаси, 1-қисми). Агар ўсмир тарбияси оғир ёки хавфли ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, у махсус тарбия муассасасига 2 йил муддатга жўнатилади (ЖК, 91-моддаси 2-қисми). Швейцария ЖКга мувофиқ, тарбиявий чора ижроси устидан жазони ижро этиш органи назорат юритади (93-моддаси). Жиноят кодексига чоралар тугатилиши, ўзгартирилиши ҳамда шартли озод этиш ва тарбиявий чоралар бекор этилиши кўрсатилган (93, 94-модда). Фикримизча, буларнинг барчаси Швейцария ЖК бўйича тарбиявий чораларни жазони алмаштирувчи жиноий жавобгарлик реализациясининг алоҳида шакли сифатида қабул қилиш имкониятини беради⁹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигидаги тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган мажбурлов чораларидан мазмунан фарқ қилмайди. Яъни ушбу чоралар вояга етмаганларга нисбатан улар томонидан содир этилган жиноят хусусияти ва унинг ижтимоий хавфлилик даражаси, қолаверса, вояга етмаганнинг шахсидан келиб чиқиб, уларга тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш мумкинлигини назарда тутди. Франция ва ГФР Жиноят кодексига тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чоралари тўғридан-тўғри акс эттирилмаган бўлиб, ушбу нормалар бланкет характерга эга. Францияда ушбу чоралар 1945 йил 2 февраль куни қабул қилинган “Вояга етмаганлар жавобгарлиги институти” номи Ордонас доирасида, ГФРда эса, 1953 йил 4

август кунги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича адолатли амалга ошириш ҳақида”ги Қонун доирасида ҳал қилинади. Бундан ташқари, ривожланган давлатларнинг жиноят қонунчилигидаги вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларни ота-оналарининг назорати остига топшириш бўлиб, ушбу мажбурлов чораси ҳам Ўзбекистон Республикасининг ЖКда акс этмаган.

ГФР ЖКда жазони ўташни муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий институт мавжуд бўлиб, у ҳақидаги нормалар ЖК Умумий қисмининг “Қилмишнинг ҳуқуқий оқибатлари” деб номланган учинчи бўлимида берилган.

Унга қўра, жазони муддатидан илгари озод қилиш қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда амалга оширилади: 1) тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган, лекин жазонинг икки ойдан кам бўлмаган муддатини ўтаганлиги; 2) маҳрум жамият хавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олиб жавобгарликка тортилиши мумкин; 3) маҳрумнинг розилиги мавжуд бўлганда, икки йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган жиноятни шахс биринчи марта содир этган бўлса, шунингдек, жазони ўташ жараёнида кўзга ижобий жиҳатдан яққол ташланган маҳрум шахси ва қилмиши ҳамда юқорида айтилган шу каби алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлганда, шунингдек, башарти шахс озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ярмини, лекин олти ойдан кам бўлмаган қисмини ўтаб бўлгач, шахс озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши мумкин.

Япония жиноят қонунчилиги бўйича муддатидан илгари шартли озод қилиш Япония ЖКнинг 5-бобида берилган. Ушбу ҳуқуқий институт агар маҳрум берилган муддатнинг учдан бир қисмини (турма маъмурияти, одатда муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга берилган муддатнинг камида тўртдан, бешдан бир қисмини ўтаган маҳрумларни тақдим этади) ёхуд муддатсиз ҳукмда 10 йилини ўтаган бўлиб, қатъий тузалган, маъмурият томонидан ижобий тавсифланадиган, маҳаллий жамиятнинг розилигини олган бўлса қўлланилади. Биринчи икки шарт ЖКда назарда тутилган, қолганларини турма маъмурияти томонидан кўтариладиган масалаларни ҳал қиладиган реабилитация муҳофазаси комиссияси ўрғаниб чиқади.

Италия ЖКнинг 176-моддаси 1-қисмига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс жазони ўташ мобайнида ўзининг хулқ-атвори билан тузалиш йўлига ўтганлигини исботлаган бўлса, тайинланган жазо муддатининг

ярмини ва 30 ойдан кам бўлмаган муддатни ўтган бўлса ҳамда жазонинг ўталмай қолган қисми беш йилдан кўп бўлмаган муддатни ташкил этса, муддатдан илгари озод қилиниши мумкин¹⁰.

Хуллас, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг қиёсий таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 88-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмунда: **“г) вояга етмаган шахсларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки ихтисослаштирилган давлат органи назоратига топшириш; д) вояга етмаган шахсларни жамият учун фойдали ишларга жалб қилиш”**, деган бандлар киритилиши ва иккинчи қисмига **“Вояга етмаганларга нисбатан бир вақтнинг ўзида, мазмунан зид бўлмаган бир нечта мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин. Вояга етмаганлар махсус — ўқув-тарбия муассасаларида ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар, аммо уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки ихтисослаштирилган давлат органи назоратига топшириш бир ойдан бир йилгача бўлган муддатга белгиланади”**, деган ва қуйидагича: **“Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари, шунингдек вояга етмаган шахсларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар**

ёки уларни ихтисослаштирилган давлат органи назоратига топшириш ва вояга етмаган шахсларни жамият учун фойдали ишларга жалб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади”, деган учинчи қисм билан тўлдириш. Тўртинчи қисми эса **“Вояга етмаган шахсларни жамият учун фойдали ишларга жалб қилиш 40 соатдан 100 соатгача бўлган муддатни ташкил этади”**, деб бериш таклиф этилади.

Шунингдек, жиноят-ижроия қонунчилигидаги ижро этиш тартиби ва асосларига доир масала ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ижро этиш тартиби ва асослари юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 197-моддасини қуйидагича: **“Вояга етмаганлар махсус — ўқув-тарбия муассасаларига ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар, аммо уч йилдан кўп бўлмаган муддатга жойлаштирилади”**, деган учинчи қисм билан тўлдириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг **“197¹-моддасини. Вояга етмаган шахсларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки ихтисослаштирилган давлат органи назоратига топшириш”** ва **“197²-модда. Вояга етмаган шахсларни жамият учун фойдали ишларга жалб қилишнинг ижро этиш тартиби ва асослари”**, деган моддалар билан тўлдиришни таклиф этамиз.



¹ Исмаилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг индивидуал профилактикаси: Юрид.фан.номз. автореферати. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. 3-б.

² // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

³ Конвенция «О правах ребенка», 1989 г.

⁴ Уголовный кодекс Франции. Науч. редактирование канд. юрид. наук, доц. Л.В.Головки, канд. юрид. наук, доц. Н.Е.Крыловой; перевод с французского и предисловие канд. юрид. наук, доц. Н.Е.Крыловой. — СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. — 650 с. E-mail: izdat@hotmail.com E-mail: izdatspb@mail.ru.

⁵ Юкоридаги манба.

⁶ Пергатая АЛ. Уголовная ответственность несовершеннолетних по законодательству Федеративной Республики Германия: Дисс. ... канд. юрид. наук.-Красноярск.: 2009.-С. 26—27.

⁷ Ткачев В.Н. Освобождение несовершеннолетних от уголовной ответственности и восстановительное правосудие: Дисс. ... канд. юрид. наук.: Ростов-на-Дону: 2007. с. 42.

⁸ Уголовный кодекс Швейцарии. Науч. ред. и предисловие и перевод с немецкого к.ю.н., А. В. Серебренниковой. Санкт-Петербург. Из-во «Юридический центр Пресс», 2002 г. , 366 стр. E-mail: izdat@hotmail.com E-mail: izdatspb@mail.ru.

⁹ Юкоридаги манба.

¹⁰ Уголовное право зарубежных государств. Общая часть: Учебное пособие / Под ред. и с предисл. И.Д. Козочкина. –М., Омега-Л, Институт международного права и экономики им. А.С. Грибоедова, 2003. -576 с.

СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИДА РЕЗИДЕНТЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

◆ Мақолада солиқ муносабатларида резидент тушунчасининг ҳуқуқий табиати тадқиқ этилган. Мазкур тушунчанинг амалдаги қонунчиликда қўлланилиши ҳамда олимлар томонидан берилган таърифлар таҳлил этилган, "солиқ резиденти" тушунчасига таъриф берилган.

◆ В статье исследована правовая природа понятия "резидент" в налоговых отношениях. Приведён анализ применения в действующем законодательстве, настоящего понятия, а также данные со стороны учёных определения, раскрыто понятие "налогового резидента".

◆ In this article the author investigated legal nature of concept of residency in tax law. Has analyzed application of the concept residency in legislation of Republic of Uzbekistan and definitions given by scholars, developed his own definition of concept "tax residency".

Таянч сўзлар: солиқ резиденти, норезидент, солиқ тўловчи, солиқ солиш.

Ключевые слова: налоговый резидент, нерезидент, налогоплательщик, налогообложение.

Key words: tax resident, nonresident, taxpayer, taxation.

Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг асосини солиқ тўловчилар ва ваколатли давлат органлари ўртасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш бўйича муносабатлар ташкил этади. Ўз навбатида, солиқ тўловчилар, яъни юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқнинг бошқа соҳалари субъектларидан фарқли ўлароқ, резидент ва норезидент солиқ тўловчиларга ажратилади. Резидент тушунчаси латинча **«residentis»** сўзидан келиб чиққан бўлиб, "ўтирувчи", "бир жойда қолувчи" деган маънони англатади, инглиз тилида ҳам **«to reside»** сўзи мавжуд бўлиб, "яшамок, бўлиб турмоқ" маъноларини англатади. Солиқ тўловчиларни резидент ва норезидент солиқ тўловчиларга ажратишнинг асосий мақсади мазкур солиқ тўловчиларнинг давлатнинг солиқ юрисдикцияси билан қай даражада боғланганлигига ёки мазкур давлатга солиқ тўловчининг қай даражада тегишлилиги билан тушунтириш мумкин.

Резидентлик фуқаролик сингари шахснинг (жисмоний ва юридик) давлат билан ҳуқуқий алоқаси ҳисобланиб, фақатгина солиқ солиш мақсадларидагина қўлланилади. Мазкур ҳуқуқий алоқа жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат

билан муносабати хусусиятларига боғлиқдир. Яъни бу ҳуқуқий алоқа жисмоний шахснинг давлат ҳудудида муайян муддат давомида бўлиб туриши, истиқомат қилиш жойига эгалигида кўрилса, юридик шахсда эса давлат юрисдикциясида рўйхатдан ўтганлиги ва мазкур давлат қонунлари асосида ташкил этилганлик ҳолатларида кўрилади.

Солиқ ҳуқуқий муносабатларидаги резидентлик тушунчаси валюта ҳуқуқи ва банк ҳуқуқи соҳасида қўлланиладиган резидент тушунчасидан тубдан фарқ қилади ва ҳар бир ҳуқуқ соҳаси шахснинг резидентлигини аниқлашнинг ўз мезонларидан фойдаланади. Агар шахс валюта қонунчилиги бўйича резидент деб топилса, солиқ қонунчилиги бўйича резидент ҳисобланмаслиги мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасини валюта қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланади¹. Банк қонунчилигида эса хорижий давлат ҳудудида рўйхатга олинган банк норезидент банк деб ҳисобланади².

Шу билан бирга, Ўзбекистон фуқароси бўлган

жисмоний шахслар солиқ ҳуқуқий муносабатлари бўйича ўзларининг давлат билан ҳуқуқий боғлиқлик ҳолатига кўра, резидент ҳисобланмаслиги ёки чет эл фуқаролари эса Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиб ҳисобланишлари мумкин. Шунинг учун солиқ ҳуқуқида резидентлик тушунчаси фақатгина солиқ солиш билан боғлиқ муносабатлар учунгина қўлланилиши мумкин.

С.Г.Пепеляевнинг фикрига кўра, солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар резидентлик, яъни доимий бўлиб туришлик принципи орқали аниқланади, деб таъкидлаб ўтган эди³. Резидентликни давлат ва шахс ўртасидаги иқтисодий алоқаси деганда мазкур тушунчанинг мазмунини бироз торайтирган бўлар эди. Чунки, резидентлик ҳар доим ҳам иқтисодий алоқа сифатида кўринмайди. Масалан, жисмоний шахснинг давлат билан боғлиқлиги кўп давлатларда жисмоний шахснинг бирор давлат ҳудудида маълум муддат бўлиб туришлик факти билан аниқланади. Мазкур ҳолат эса шахснинг иқтисодий алоқаси эмас, балки юридик ёки ҳуқуқий алоқаси, деб айтилса, тўғрироқ бўлар эди.

Баъзи олимлар резидент ва норезидент солиқ тўловчиларни “хорижий” ва “маҳаллий” солиқ тўловчилар номи билан атаб келишади. Масалан, Дэвид Тилингхаст (Kavid Tilinghast) маҳаллий ва хорижий солиқ тўловчиларни бир-биридан ажратиш учун иккита фундаментал принциплардан фойдаланади:

— мамлакат юрисдикцияси билан яқин муносабатда бўлган солиқ тўловчи маҳаллий солиқ тўловчи ҳисобланади ва унинг жаҳоннинг барча жойларида олинган даромадларига солиқ солинади;

— мамлакат юрисдикцияси билан яқин муносабатда бўлмаган солиқ тўловчилар “хорижий” солиқ тўловчилар деб аталади ва уларнинг фақатгина мамлакатда олинадиган даромадларига солиқ солинади⁴. Албатта, Дэвид Тилингхаст (Kavid Tilinghast) солиқ тўловчиларнинг мамлакатга иқтисодий боғлиқлик ҳолатини соддароқ тарзда “хорижий” ва “маҳаллий” солиқ тўловчи сифатида таъриф бериб ўтган бўлса-да, мазкур солиқ тўловчиларнинг мамлакат солиқ юрисдикцияси билан боғлиқ муносабатлари резидент ва норезидент солиқ тўловчи тушунчасини беришини юқорида у берган таъриф мазмунидан англаб олишимиз мумкин.

Солиқ тўловчилар ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилган А.П.Балакина солиқ резидентлиги худди фуқаролик сингари давлатнинг субъект билан

ҳуқуқий алоқаси бўлиб, характери жиҳатдан ҳудудий бўлади ва солиқ солиш мақсадларида ўрнатилади, деган ўринли фикрни билдирган⁵. Е.Г.Костикова ҳам ўз тадқиқотларида юқоридагига ўхшаш хулосага келади ва унинг таърифига кўра, “солиқ резидентлиги — солиқ солиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳудудига уларнинг муносабатига асосланган мазкур давлатнинг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий алоқаси ҳисобланади”⁶.

Солиқ ҳуқуқида “резидент” тушунчаси шахснинг муайян давлат ҳудуди билан ҳуқуқий боғлиқлик оқибатида солиқ тўлаш мажбурияти келиб чиқиш ҳолларини белгилаш учун фойдаланилади. Солиқ тўловчиларни резидент ва норезидент категорияларга ажратишдан асосий мақсад, улар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришнинг ҳажмларини фарқлашдан иборатдир. Чунки, давлатлар солиқ қонунчилигида резидент солиқ тўловчи билан норезидент солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини бажаришда бир хил шарт-шароит ўрнатилмаган ва уларнинг мазкур мажбуриятларни бажаришига фарқлар ўрнатилган. А.Шахмамметьев мазкур фарқлар сирасига қуйидагиларни киритади:

- ◆ солиқ ставкаларнинг турли бўлиши;
- ◆ солиқ имтиёзлари берилишининг ўзига хос хусусиятлари;
- ◆ солиқ ҳисоботлари ёки декларациялар тақдим этишнинг алоҳида тартиби белгиланиши;
- ◆ солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш алоҳида тартибининг белгиланиши⁷.

А.Шахмамметьевнинг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда, мазкур фарқлар сирасига уларнинг солиқ органларида ҳисобга қўйилишдаги ҳамда солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб-маълумотларни юритишдаги фарқларини ҳам киритиш мумкин.

Солиқ мажбуриятлари ҳажмидаги фарқни мисол қилиб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи объекти бўлиб ҳисобланса, норезидент жисмоний шахслар учун фақатгина Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи объекти бўлиб ҳисобланади⁸. Бошқача қилиб айтганда, резидент солиқ тўловчилар мамлакат ҳудудида олган даромадлардан ҳамда чет мамлакатларда олган даромадларидан солиқ тўласа, норезидент жисмоний шахсларнинг фақатгина мамлакат ҳудудида олган

даромадларига солиқ солинади, холос. Демак, норезидент солиқ тўловчилар резидент солиқ тўловчиларга нисбатан чекланган солиқ мажбуриятига эга бўладилар. Яъни уларни солиқ мажбурияти мамлакатда жойлашган манбадан олинган даромадларга нисбатангина қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, жисмоний шахснинг солиқ муносабатлари бўйича резидентлиги унинг фуқаролиги билан боғланмаган. Яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароси солиқ ҳуқуқи нуқтаи назаридан норезидент бўлиши мумкин, шу билан бир пайтда, чет давлат фуқароси солиқ муносабатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Бизнингча, солиқ резидентига берилган таърифларда солиқ тўловчи сифатидаги хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаган. Олимлар томонидан билдирилган юқоридаги таърифларни таҳлил қилган ҳолда, “солиқ резиденти” тushунчасига қуйидаги мазмундаги илмий-доктринал таъриф берилиши мақсадга мувофиқ: *“Солиқ ҳуқуқий муносабатларида резидентлик — бу юридик ёки жисмоний шахснинг давлат олдидаги солиқ мажбуриятларининг ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда унинг давлатнинг солиқ юрисдикцияси билан ижтимоий ва иқтисодий алоқаларининг бири ёки бир нечтасидан ташкил топган ҳуқуқий мақоми ҳисобланади”* .



¹Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни, 4-модда. // Ўзбекистон Республикаси ҳужжатлар тўплами.

²Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 8 октябрда 2014-сон билан рўйхатга олинган “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низом, 1-банд.// Ўзбекистон Республикаси ҳужжатлар тўплами.

³ Основы налогового права: Учебно-методическое пособие/Под ред. С.Г.Пепеляева. –М., Инвест Фонд, 2000. –С.34.

⁴Kavid Tilinghast, A Matter of Kefinition: Foreign and Komesic Taxpayers, Berkeley Journal of International Law, Volume 2, page 240.

⁵А.П. Балакина. Гражданство и резидентство как элементы правового статуса налогоплательщика // Финансовое право. 2004. –№5. –С.17-20.

⁶Е.Г. Костикова. Правовой статус налогоплательщиков-организаций: Автореферат дисс. канд. юрид. наук.–Саратов: 2001.–16.

⁷А. Шахметьев. Международное налоговое право. Учебно-методический комплекс. –М., 2009.–С.91.

⁸Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 169-модда.

Дилдора УМАРХАНОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
катта илмий ходим-изланувчиси

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

◆ Мазкур мақолада жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларининг халқаро ҳуқуқ, халқаро жиноят ҳуқуқи ҳамда миллий ҳуқуқ принциплари билан боғлиқ жиҳатлари кенг ёритилган бўлиб, бу борада турли ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

◆ В данной статье проанализированы принципы международного сотрудничества по уголовным делам и их особенности. Автором широко освещена взаимосвязь принципов международного сотрудничества по уголовным делам с принципами международного права, международного уголовного права и национального права, приведены точки зрения учёных-правоведов по данной проблематике.

◆ This article analyzes principles of international cooperation in criminal cases and their features. The author reveals the relationship of the principles of international cooperation in criminal cases with the principles of international law, international criminal law and national law and analyses various law scientists' opinions and discussions on these issues.

Таянч сўзлар: халқаро ҳамкорлик, халқаро жиноят ҳуқуқи принциплари, экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, халқаро шартнома.

Ключевые слова: международное сотрудничество, принципы международного уголовного права, экстрадиция, взаимная правовая помощь, международный договор.

Key words: international cooperation, principles of international criminal law, extradition, mutual legal assistance, international treaty.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалалари тизимлараро хусусият касб этади, зеро халқаро, жиноят-процессуал, жиноят ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари билан тартибга солинади. Лекин, бугунги кунда кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар ва амалиёт ходимлари¹ томонидан экстрадиция ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам институтлари халқаро ҳуқуқнинг тўла шаклланган институтлари сифатида эътироф этилади. Баъзи олимлар² томонидан экстрадиция институтини жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасида халқаро ҳамкорликнинг шакли сифатида талқин қилиниши ҳам кузатилади.

Фикримизча, мазкур институтлар минг йиллик ривожланиш босқичларини босиб ўтиб, ўзининг мустақкам норма ва принциплари тизимига эга бўлган, шаклан яхлит, мазмунан тугал ҳуқуқ институти сифатида жаҳон ҳамжамиятининг жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим ва ҳаққоний таъсир кучига эга бўлган воситаси сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай фаолият ўз табиатига кўра унинг йўналиши ва характерини

аниқлайдиган, яъни унинг ўзига хос хусусиятини ифодалайдиган маълум қонун ва принципларга асосланади. Шундай экан, юридик адабиётларда кенг доирада таҳлил этилган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш масаласи халқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган принциплари билан бир қаторда, жиноят ишлари бўйича давлатлараро ҳамкорлигига оид халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликдаги ўзига хос раҳбарий принципларга ҳам асосланади. Жиноят ишлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солувчи принциплар тизимини халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ тизимининг мажмуаси сифатида кўриш мумкин. Хусусан, жиноят ишлари бўйича ҳамкорликка оид халқаро шартномаларга боғлиқ талабнома ижроси юзасидан процессуал ҳаракатлар давлат миллий қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилишнинг асосий принциплари жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орқали жиноятларни огоҳлантириш, тергов олиб бориш, жиноий таъқиб қилиш, унинг олдини олиш ҳамда халқаро характердаги ва халқаро жиноятларга қарши курашнинг умумий муаммоларини ҳал қилиш, шу

жумладан, давлатларнинг муайян жиноятлар учун айбланган ёки судланган шахсларни экстрадиция қилиш мақсадида мазкур соҳа доирасидаги нормалар учун раҳбарий қоида тарзидаги функциясини бажаради.

Замонавий юридик фанларда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларининг ягона тизими ишлаб чиқилмаган, бунинг сабаби бир томондан тадқиқот предметининг мураккаб хараكتери билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ушбу муаммони тартибга солувчи ягона норматив ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Лекин шунга қарамасдан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг алоҳида омиллари асносида аксарият халқаро ҳуқуқшунос олимлар принциплар муаммосига кўп тўхталиб ўтишган.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган принциплари, жиноят суд иш юритувига оид принциплар, экстрадиция ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш принциплари юзасидан тегишли таҳлил ўтказган ва ўзларининг бу борада хулосаларини берган олимлар қаторига Д.Ю.Сатторов, Р.А.Сайфулов, Ф.М.Файзиевни³ киритишимиз мумкин.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплар тизимига оид илмий қарашларнинг шаклланишига Европа ва Америка мамлакатлари олимларидан Антонио Кассэ (Antonio Cassese), М.Ч.Бассиоуни (Bassiouni M.C.), Ellen S.Podgor (Эллен Подгор), Roger S.Clark (Роджэр Кларк) ва Neil Boister (Нэйл Боистэр)⁴ лар халқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган принциплари ҳамда халқаро жиноят ҳуқуқининг махсус принциплари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар ва уларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигига бевосита таъсири ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан дастлабки уринишлар Р.М.Валеев, Л.Н.Галенская⁵ лар томонидан амалга оширилган бўлиб, кейинчалик эса, В.М.Волженкина, Л.В.Иногамова-Хегай, Н.И.Костенко, И.Н.Лебединец, В.В.Милинчук, Ю.В.Минкова, Н.Сафаров⁶ лар халқаро жиноят ҳуқуқининг махсус принциплари қаторида, экстрадициянинг рад этиш принциплари ҳамда ҳамкорликнинг раҳбарий принципларини батафсил таҳлил қилганлар.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплари мазмунини ёритиб беришда ҳамда унинг алоҳида хусусиятларини очиб беришда умумий асосларга кўра:

- давлатлар ўртасидаги умумий ҳамкорликни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ принциплари;
- халқаро жиноят ҳуқуқининг махсус принциплари;
- давлат миллий қонунчилиги принциплари (жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ ва бошқалар);

— халқаро ҳамкорлик тўғрисида алоҳида давлатлар билан тузилган халқаро шартномаларда белгиланган принциплар (экстрадиция ёки жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш принциплари, жиноятчиликка қарши курашувчи принциплар) каби турларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Халқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган принциплари БМТ Устави⁷ нинг 2-моддасида, 1970 йилги Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларация⁸ да ҳамда 1975 йилги Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши (ЕХХК)нинг Яқунловчи Хельсинки акти⁹ да ўз аксини топганлиги маълум. Мазкур принципларнинг тартибга солувчи соҳаларини инobatга олган ҳолда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган принциплар, халқаро ҳамкорликка оид умумий принциплар ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган принципларга ажратиш мумкин. Булар орасидаги халқаро ҳамкорликка оид умумий принциплар (давлатларнинг суверен тенглиги, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги, давлатларнинг халқаро мажбуриятларни виждонан бажариши, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплари учун асос сифатида ифодаланади.

Шулар қаторида халқаро жиноят ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг махсус соҳасими ёки фақат халқаро оммавий ҳуқуқнинг соҳаларидан бирими, миллий жиноят ҳуқуқининг бир қисми ёки алоҳида ҳуқуқ тизимими? — деган саволларга жавоблар доим баҳсли бўлган. Аслида, “Халқаро жиноят ҳуқуқи” ўз ичига халқаро ҳуқуқ, миллий жиноят ҳуқуқи, жиноий-ижроия ва жиноят-процессуал нормаларини қамраб олувчи ҳуқуқнинг алоҳида комплекс соҳаси эканлигини кўришимиз мумкин. Шундай экан, халқаро жиноят ҳуқуқи ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган принципларига таянади. Халқаро жиноят ҳуқуқи махсус принципларининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплари тизимига тўлиқ киритилиши ҳам, ўз навбатида, мазкур принципларга нисбатан бир томонлама қаралишига олиб келиши мумкин. Чунки, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларининг ҳам халқаро ҳуқуқ, ҳам миллий қонунчилик нормалари билан тартибга солиниши унинг комплекслилик хараكتери мавжуд эканлигидан далолат беради.

Ушбу принципларга зид келмаган ҳолда халқаро жиноят ҳуқуқининг махсус принциплари ишлаб чиқилган. Халқаро жиноят ҳуқуқининг принциплари Нюренберг Трибунали Уставида ўз аксини топган бўлиб, кейинчалик ушбу принциплар Халқаро Жиноят суди Статути¹⁰ нинг 3-бўлимида мустаҳкамланди. Бундан ташқари, халқаро жиноят ҳуқуқининг жиноятчиликка қарши кураш

борасидаги ҳамкорликнинг асосий принциплари БМТнинг 1990 йил 14 декабрдаги 45/107-сонли “Ривожланиш босқичида жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик”ка бағишланган Резолюциясида¹¹, 1991 йил 18 декабрь кунги 46/152-сонли жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий суд ишлари юритиш соҳасидаги БМТнинг самарали дастурларини яратиш ҳақида”ги Резолюцияси¹²да белгиланди.

Фикримиз давоми сифатида давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги миллий қонунчилигида ўз аксини топган жиноят процесуал ҳуқуқи¹³, жиноят ҳуқуқи¹⁴, жиноят-ижроия ҳуқуқи¹⁵ ва конституциявий ҳуқуқ¹⁶нинг махсус принципларини жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплари тизимига киритиш ҳам асоссиздир. Чунки мазкур соҳаларнинг принциплари уларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун барча хусусиятларига мос келмаслигини кўрсатади. Уларнинг баъзилари фақат умумтан олинган халқаро ҳамкорлик принципларининг ифодаси ҳисобланса, баъзилари давлатнинг ички тартиб-қоида-сини ифода этади.

Демак, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳаси халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимининг мажмуаси ҳисобланар экан, у ўзига халқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган принципларини, халқаро жиноят ҳуқуқининг махсус принципларини ҳамда давлатлар миллий ҳуқуқ соҳасининг махсус принципларига бевосита алоқаси мавжудлигини эътироф этишимиз зарур.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий принциплари мазкур соҳа бўйича тузилган конвенция, декларация ва шу каби халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда давлатлараро икки ва кўп томонлама шартномаларда, давлатларнинг миллий қонунчилигида ўз аксини топади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи, давлатлар томонидан маъқулланган, алоҳида ишлаш механизмини талаб этадиган ҳамда мазкур муносабат иштирокчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган халқаро ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Мазкур масала бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий ишларида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган бўлса-да, лекин соҳага оид принципларнинг бир бутунликда ўрганилмаганлиги турли хил ёндашув ва фикрларга олиб келганлигини кўришимиз мумкин. Аксарият муаллифлар жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўлган экстрадиция ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш институтларининг махсус принципларини таҳлил қилганлар. Хусусан, В.М.Волженкина жиноят ишлари бўйича ўзаро

ҳуқуқий ёрдам беришнинг шаклларида бири сифатида ушлаб бериш институтининг асосий принциплари сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: 1) ўзаро ҳамкорлик; 2) ихтиёрий ҳамкорлик; 3) халқаро шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар суверенитети ва хавфсизлигига риоя қилиш; 4) суверенитет бўйича ён бериш (хорижий давлат қонунчилигини қўллаш); 5) давлатлар талабномаларининг давлатлар қонунчилигига мослиги; 6) ҳамкорлик қилаётган суверен давлатлар суд-тергов органлари ваколатларининг тенглиги; 7) жиноят процесси иштирокчиларининг ваколатлари ва ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш; 8) халқаро ҳамкорлик бўйича чекловлар; 9) ҳамкорликда учинчи давлат ҳуқуқлари ва манфаатларини инобатга олиш; 10) шартнома шартларини бажариш бўйича мажбурият; 11) халқаро шартномаларда белгиланган тартибда ўзаро алоқалар ўрнатиш; 12) қонунийлик принцигига риоя қилиш¹⁷.

Ф.М.Файзиев ҳам В.М.Волженкина каби ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича халқаро ҳамкорлик принципларини келтириб ўтади. Фақат мазкур принциплар нафақат жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам беришга оид, балки фуқаролик ва оила муносабатлари бўйича ҳам ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш борасидаги халқаро ҳуқуқ принципларини ҳам келтириб ўтади¹⁸.

А.С.Гришин эса, жиноят содир этган шахсларни экстрадиция қилиш принциплари тизими уч элементли тузилишга эга бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олиши лозимлигини таъкидлайди: умумтан олинган принциплар (қонунийлик, инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш); соҳалараро принциплар (жазонинг муқаррарлиги, «non bis in idem»); институтционал принциплар (ўзаролик, сиёсий жиноят содир этганлиги учун рад этиш, ўз фуқароларини ушлаб бермаслик, иккиёклама судловлилик, «aut dedere aut judicare», мутахассислиги)¹⁹.

Р.А.Сайфулов жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплари устида мушоҳада юритиб, уларнинг қуйидаги турларини келтириб ўтади:

1) содир этилган қилмишнинг ҳар иккала мамлакат қонунчилиги бўйича ҳам жиноят ҳисобланади;

2) ихтисослашув принципи;

3) фуқароликнинг экстрадицияга таъсир этиши;

4) жиноятларнинг экстрадиция қилиниши табиати²⁰. Бироқ назаримизда, экстрадиция институти татбиқ этиш жараёнида инобатга олиниши лозим бўлган бошқа яна бир қатор принциплар ҳам мавжудки, уларни эътибордан четда қолдириш мақсадга мувофиқ эмас.

А.А.Лазутин жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш масаласига халқаро ҳам-

корликнинг бир шакли сифатида қарар экан, мазкур муносабатларни тартибга солиб турувчи умумтан олинган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари билан ўзаро алоқаси мавжуд бўлган принципларни келтириб ўтади. Муаллиф мазкур принципларни алоҳида тур ва шаклларга бўлмасдан, балки уларнинг ишлаш механизми, аҳамияти ва ҳуқуқий асосларини кенг ёритган. Хусусан, жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича халқаро ҳамкорликда ўзаролик принципнинг келиб чиқиши сабаблари ва ишлаш механизми келтириб ўтган²¹.

Хорижий адабиётларда²² жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларини асосан ўзаролик, икки ёқлама жиноийлик ва ихтисослашув каби принципларга ажратишади. Мазкур принциплар экстрадиция ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш масаласида давлатлараро ҳамкорликда муҳим роль ўйнаши таъкидланади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг турларидан бири бўлган экстрадиция институтида рад этиш асосларини таҳлил қилишда мазкур принциплар билан чамбарчас боғлиқликни кўриш мумкин. Зеро, экстрадицияга оид у ёки бу принципларга риоя этмаслик жиноят содир этишда айбланаётган ва талаб қилинаётган шахсни ушлаб беришни амалга ошириш имконига барҳам бериши мумкин²³.

Мухтасар қилиб айтганда, Р.М.Валеев ҳақли равишда таъкидлаганидек, экстрадиция принциплари ва ушлаб беришни рад этишнинг асослари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ушлаб беришга йўл қўйилиши ҳар бир аниқ ҳолатда ушлаб бериш принципларининг амалга оширилиши ёхуд ушлаб беришни рад этиш асослари мавжуд эмаслигига таянади²⁴.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юридик адабиётларда мазкур масала бўйича ягона фикр мавжуд эмаслигидан ташқари қарама-қаршиликлар ҳам учрашининг гувоҳи бўлди. Шу сабабли у ёки бу ҳолатда ҳам жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларининг мазмунини ёритишда баъзи жиҳатларга аниқлик киритиб олиш лозим. Хусусан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплари:

1) халқаро шартномаларнинг асосини, талабларини ва аҳамиятини кўрсатиб берувчи бўлиши;

2) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг барча йўналишларида амал қилиши;

3) уларнинг бузилиши халқаро ҳамкорликнинг тугатилиши ёки халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий принциплари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари, жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш принциплари ҳамда экстрадиция институтининг асосий принципларига таянган ҳолда, унинг асосий ғояларини ўзида мужассам этади.

Юқоридагилар асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид принципларнинг халқаро майдонда қайси давлатларнинг амалиётида қўлланилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёхуд амалиётида қўлланилишини атрофлича таҳлил этиш асосида ушбу принципларнинг аксарияти бизнинг қонунчилигимизда ўз аксини топганлигини, айримлари эса, суд-тергов амалиётида қўлланилаётганлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Шундай экан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид принциплар давлатлар ҳамкорлигини таъминлашнинг асосий шартидир.



¹ M Cherif Bassiouni. *International Extradition: United States Law and Practice* (6th Edition). — kxford University Press, 2015. — P.120; Gavan Griffith, Claire Harris. *Recent developments in the law extradition* // *Melbourne Journal of International Law*. Vol.6, — P.34; Joint Standing Committee on Treaties, Parliament of Australia, Report 40: *Extradition — A Review of Australia's Law and Policy* (2001); Сафаров Н.А. *Экстрадиция в международном уголовном праве: проблемы теории и практики*: Дис. ... докт. юрид. наук. — М.: Московский государственный институт права международных отношений, 2007; Валеев Р.М. *Выдача преступников в современном международном праве*. — Казань, 1976; Минкова Ю.В. *Институт выдачи преступников в международном праве*. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — М., 2002; Васильев Ю.Г. *Институт выдачи преступников (экстрадиции) в современном международном праве*: дисс. ... к. юрид. н. — М., 2003.

² Гришин А.С. *К вопросу о понятии выдачи лиц в целях осуществления уголовного преследования или исполнения приговора (экстрадиции)* // *Matters of Russian and International Law* — 2014. — № 1-2. — С.49. Решетнева Т.Н. *Экстрадиция полипатридов в российском уголовном судопроизводстве (проблемы теории и практики)*: Автореферат дисс. ... канд. юрид. наук. — Екатеринбург: Уральская государственная юридическая академия, 2009; Волеводз А.Г. *Правовые основы новых направлений международного сотрудничества в сфере уголовного процесса*: Автореферат дисс. ... докт. юрид. наук. — М. Научно-исследовательский институт проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре РФ, 2002; Сайфулов Р.А. *Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и прокуратуры Республики Узбекистан)*: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — Ташкент, 2001; Казиканов Т.Т. *Проблемы процессуально-правового обеспечения экстрадиции на предварительном расследовании (по материалам Республике Казахстан)*: дисс. ... канд. юрид. наук. — Алматы, 2005.

³ Сайфулов Р.А. *Юқоридаги манбаа*. Сатторов Д.Ю. *Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари БМТ Халқаро суди фаолиятининг асоси сифатида*: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. — Тошкент, 2008.; Файзиев Ф.М. *Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи*: Дисс. ... канд. юрид. наук. — Ташкент., 2007. — С.46-47.

⁴ Antonio Cassese. *International criminal law*. Second edition. kxford University Press. — New York. 2000. P.32-53; Bassiouni M.C

Perspectives on International Criminal Justice // Virginia Journal of International Law. — Volume 50, Issue 2, 2010. — Pp. 270-317; Ellen S.Podgor, Roger S.Clark. Understanding international criminal law. Third edition. LexisNexis. — Kanvers/ USA.2013. P.12-17; Neil Boister. An Introduction to Transnational Criminal Law. kxford University Press. — New York. 2012. P.125-135;

⁵ Галенская Л.Н. Правовые проблемы сотрудничества государств в борьбе с преступностью. Л.: ЛГУ, 1978. С.7-8; Валеев Р.М. Выдача преступников в современном международном праве (некоторые вопросы теории и практики). — Казан: Изд-во Казанского Университета, 1976. — С.45;

⁶ Волженкина В.М. Нормы международного права в российском уголовном процессе. СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. -С.69; Иногамова-Хегай Л.В. Международное уголовное право: учебное пособие для магистрантов. — М., Проспект, 2015. — С.10-15; Костенко Н.И. Международная уголовная юстиция. Проблемы развития. — М., 2002. — С. 49-77; Лебединец И.Н. Международное уголовное право: Учебное пособие. — М.: Проспект, 2016. — С.16-17; Минкова Ю.В. Принципы института выдачи (экстрадиции) в международном праве. Монография. — М., 2002. — с83.; Милинчук В.В. Институт взаимной правовой помощи по уголовным делам. Действующая практика и перспективы развития. М.:Юрлитинформ, 2001. -С.24; Сафаров Н. Экстрадиция в международном уголовном праве: проблемы теории и практики. — М., 2005. — С.49-79;

⁷ БМТ расмий сайты: <http://www.un.org/ru/charter-united-nations/index.html>

⁸ Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом Организации Объединенных Наций (Принята резолюцией 2625 (XXV) Генеральной Ассамблеи ООН от 24 октября 1970 года) http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/intlaw_principles.shtml

⁹ ЕХХТ расмий сайты: <http://www.osce.org/helsinki-final-act>

¹⁰ [http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pdf/rome_statute\(r\).pdf](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pdf/rome_statute(r).pdf)

¹¹ БМТ расмий сайты: <http://www.un.org/ru/ga/45/docs/45res.shtml>

¹² БМТ расмий сайты: <http://www.un.org/ru/ga/46/docs/46res.shtml>

¹³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-боби [HTTP://WWW.LEX.UZ/PAGES/GETPAGE.ASPX?LACT_IK=111460#253508](http://WWW.LEX.UZ/PAGES/GETPAGE.ASPX?LACT_IK=111460#253508)

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-10-моддалари [HTTP://WWW.LEX.UZ/PAGES/GETPAGE.ASPX?LACT_IK=111453](http://WWW.LEX.UZ/PAGES/GETPAGE.ASPX?LACT_IK=111453)

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддаси [HTTP://WWW.LEX.UZ/PAGES/GETPAGE.ASPX?LACT_IK=163629](http://WWW.LEX.UZ/PAGES/GETPAGE.ASPX?LACT_IK=163629)

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Биринчи бўлими http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=20596

¹⁷ Волженкина В.М. Выдача в российском уголовном процессе. — М: «Юрлитинформ», 2002. — С.203.

¹⁸ Файзиев Ф.М. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи: Дисс. ... канд. юрид. наук. — Ташкент, 2007. — С.47-57.

¹⁹ Гришин А.С. Организационно-правовой механизм выдачи лиц уголовного преследования в Российском уголовном процессе.: Дисс... канд. юрид. наук. — М., 2010. — С. 39-51.

²⁰ Сайфулов Р.А. Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и Прокуратуры Республики Узбекистан.: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. — Ташкент, 2001. — С. 14.

²¹ Лазутин Л.А. Правовая помощь по уголовным делам как комплексное формирование в международном уголовном и уголовно-процессуальном праве. Дисс. ... док. юрид. наук. — Екатеринбург, 2008. — С. 229-237.

²² Gavan Griffith QC, Claire Harris. Recent development in the law of extradition // Melbourne Journal of International Law. — 2005. Vol. 6, — P.34-54; Joon Gyu Kim, Cheol-Kyu Hwang. New initiatives on International Cooperation in Criminal Justice. — SNUPRESS (Seoul National University Press), 2012. — P.29-35; Ellen S.Podgor, Roger S.Clark. Understanding international criminal law. Third edition. LexisNexis. — Kanvers/ USA.2013. P.12-17; Kai Ambos. The International Criminal Court and the traditional principles of international cooperation in criminal matters // IX the Finnish Yearbook of International Law, Kluwer Law International press. — Netherlands: 2000. — P.413.

²³ Адельханян Р., Наумов А. Принципы экстрадиции и квалифицирующие обстоятельства совершения преступления // Российская юстиция. — 2004. — № 3. — С. 51–52.

²⁴ Валеев Р.М. Выдача преступников в современном международном праве (некоторые вопросы теории и практики). — Казан: 1976. — С. 48.

Нариман РАЖАБОВ,
Старший научный сотрудник-соискатель
ТЮГУ, к.ю.н., доцент

Ҳужжат шакли нуқтаи назаридан халқаро ташкилотлар доирасида тузилган халқаро шартномалар (масалан, БМТнинг 1951 йилдаги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенцияси²¹), минтақавий ташкилотлар доирасида тузилган халқаро шартномалар (МДХ доирасида 1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида имзоланган Қочоқлар ва кўчишга мажбур бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битим²²), шунингдек, кўп ва икки томонлама шартномалар (битимлар) кўринишида бўлиши мумкин. Халқаро шартномалар давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро хусусиятга эга бўлишига қараб, шартнома, битим, конвенция, протокол, ноталар алмашинуви каби турларга бўлинади. Албатта, миллий қонунчиликнинг ўзига олган мажбуриятлари халқаро нормалар талабига мувофиқ келиши лозим.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқ нормаларини нафақат халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, балки ҳуқуқий нормалар ва умумэтироф этилган ҳуқуқ принциплари сифатида тан олинган, умумамалиёт исботи сингари халқаро одатларда ҳам учратиш мумкин. Ушбу қоида БМТнинг асосий олтита органидан бир ҳисобланадиган Халқаро суд Статутининг 38-моддаси 1-бандининг “b” ва “c” кичик бандида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу тариқа, аҳоли миграцияси соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари тизими қуйидагилардан иборат:

- халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормалар;
- халқаро-ҳуқуқий одатлар;
- халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар билан бир қаторда, БМТ доирасида “юмшоқ ҳуқуқлар” деб аталувчи кўпгина нормалар қабул қилинган. Буларга декларация, принциплар, кодекслар ва одоб-ахлоқ қоидалари кириб, қўллаш учун мажбурий хусусиятга эга бўлса-да, ижтимоий фикр шаклланишида ва ушбу масалалар бўйича миллий сиёсатнинг ишлаб чиқилишида муайян роль ўйнайди. Одатда мазкур нормалар бир томонлама тартибда халқаро ташкилотлар ёки уларнинг органлари ёхуд давлатлар томонидан яратилади ҳамда ихтиёрий асосда амалга оширилади²³.

Бунга мисол қилиб БМТнинг ҳудудий бошпана

тўғрисидаги Декларациясини келтириш мумкин. Ушбу Декларация 1967 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 2312 (XXII)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган бўлиб, давлат томонидан ўз ҳудудида бошпана беришнинг ҳуқуқий асосига таъриф бериш, уни тақдим этиш тартиби каби бир қатор принципларни мустаҳкамлашга қаратилган. “Юмшоқ” ҳуқуқий ҳужжатларга “Дин ёки этикодига қараб дискриминация қилишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида”ги декларация (1981 йил)²⁴, “Миллий ёки этник, диний ва тил озчиликларига мансуб шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги декларация (1992 йил)²⁵, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Инсон ҳуқуқларига риоя этиш замирида иш кучининг миграцияси масалалари бўйича кўп томонлама асослари” (2005 йил)²⁶ кабилар киритилади.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқнинг ўзига ҳос ва масалага оид умумэтироф этилган нормаларидан бири, бу “Консуллик алоқалар тўғрисида”ги Конвенция (1963 йил) билан мустаҳкамланган консуллик хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ ўз ҳудудида жойлашган шахсларга нисбатан давлат ҳаракатларини халқаро ҳуқуқ томонидан чеклашга хизмат қилувчи нормалар сирасига киради.

Миграция соҳасида халқаро ҳуқуқ, айти пайтда, такомиллашган механизм бўлиб, етарли даражада кўҳна халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, замонавий минтақавий инструментлар ва давлатнинг бой миллий амалиётига асосланган²⁷.

Келтирилган ушбу таҳлиллардан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, миграция жараёнлари мигрантларнинг ҳуқуқий мақомига таъсир ўтказувчи турли мақсадли йўналишлар билан фарқланади. Бу бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Аммо миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасида ҳали ҳам ўзининг ечимини топмаган кўпгина атамалар мавжуд.

Шу тариқа, халқаро ҳуқуқда “миграция” атамасининг аниқ таърифи йўқлигига қарамай, у халқаро ҳуқуқшунослар орасида миграциянинг асосий аломатларини ажратиш берган ва энг кўп муҳокама этиладиган масалалардан бири саналади. Бироқ “миграция” ва “халқаро миграция”нинг аниқ бирхиллаштирилган тушунчалари мавжуд эмаслиги мигрант ҳисобланадиган шахсларнинг миқдори ва уларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаш бўйича ишларни мураккаблаштиради. Шунингдек, бу ҳолат халқаро миграциянинг қўламини баҳолаш бўйича ишлар, БМТнинг Статистика бўлими ва Нуфус бўйича Қўмитаси ҳамда Миграция бўйича халқаро ташкилотининг меҳнат фаолиятига катта таъсир ўтказмоқда.

Халқаро мигрант тоифасига айнан кимлар тўғри келишининг номаълумлиги мигрантнинг ҳуқуқий мақомини ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Халқаро миграция атамасини ҳуқуқий жиҳатдан қатъий белгилашга ушбу муаммони ҳал этишга замин яратади. Дарҳақиқат, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, миграция муаммосига бағишланган ало-

ҳида Конвенция мавжуд эмас. Шунинг учун, “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция²⁸нинг 2-моддасини халқаро миграция таърифи билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки “меҳнаткаш-мигрант” атамасини кўриб чиқишдан олдин ушбу атамаларни билиш мантиққа тўғри келади. Қуйидагича таъриф бериш тавсия этилади: “Муайян шахс томонидан чегарани кесиб ўтиши даврдан бошлаб қабул қилувчи мамлакат қонунчилиги, шунингдек, миграция муаммолари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳуқуқий мақомининг ўзгаришига олиб келувчи, кўчиб ўтишнинг шакли, мотиви ва

муддатидан қатъи назар, бир мамлакат ҳудудидан бошқа бир мамлакат ҳудудига кўчиб ўтган шахс — “халқаро мигрант” атамасини билдиради”.

Конвенцияда халқаро миграция тушунчасини мустаҳкамлаб қўйиш, бундан ташқари, миграциянинг барча кўринишларини киритувчи ва халқаро мигрантнинг ҳуқуқий мақомига кўрсатувчи ҳамда қабул қилаётган давлатнинг роли миграция соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятининг аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Шу туфайли, ушбу Конвенция 2-моддасининг 2-банди²⁹даги меҳнаткаш-мигрантлар мақомининг келгусида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ изчил ва кенг қамровли бўларди.



¹ Reginald Appleyard. International migration policies: 1950—2000 // International migration. 2001. Vol. 39, N 6. —P.9.

² Problems of migration statistics. Population studies. № 5. New York: United Nations, 1950.

³ Recommendations on statistics of international migration: statistical papers. Series M. № 58. New York: United Nations, 1980. P.4-5.

⁴ **Батафсил қаранг:** Садовская Е.Ю. Международная трудовая миграция в Центральной Азии в начале XXI века (на примере Республики Казахстан). — М.: Вост. кн., 2013. — 571 с.; Садовская, Е. Ю. Социология миграций и современные западные теории международной миграции // Социальная политика и социология. - 2004. - N 1. - С. 83-88.; Садовская, Е. Ю. Современная китайская миграция в Казахстане: основные тенденции, проблемы и перспективы // Проблемы Дальнего Востока. - 2008. - N 5. —С. 124-137.; Садовская Е.Ю.Китайская миграция в Центральной Азии в начале XXI века. Экономическое наступление и миграция из кнр на примере республики казахстан: вызовы и возможности. Lambert Academic Publishing, 2012. — 175 с.

⁵ **Батафсил қаранг:** Васильева Л. А. Вынужденная миграция в Республике Беларусь: теоретико-правовые и организационные аспекты: монография / Л. А. Васильева. - Минск: Академия МВД Республики Беларусь, 2000. - 124 с.; Васильева, Л. А. Институт гражданства в Республике Беларусь: вопросы реализации / Л. А. Васильева, В. Е. Шунтов. - Минск: Тесей, 2004. - 94, [2] с.; Васильева, Л. А. Отдельные аспекты обеспечения социальной безопасности в сфере внешней трудовой миграции в Республике Беларусь / Л. А. Васильева, Ю. В. Черняк // Вестник БарГУ. Серия Исторические науки и археология. Экономические науки. Юридические науки. Вып. 1. - Барановичи. - 2014. —№ 2. —С. 100-106.

⁶ **Батафсил қаранг:** Тоцкий Н.Н. Правовой статус вынужденного мигранта в России // Юрист. — 1998. — №2. — С. 24-25.

⁷ Recommendations on statistics of international migration: statistical papers. Series M. № 58. New York: United Nations, 1980. P.257.

⁸ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига 3 йилга сайланган, БМТга аъзо 47 мамлакатлар қиради.

⁹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (Нью-Йорк, 1948 йил 10 декабрь) // Декларациянинг 60 йиллигига бағишланган нашр 1948-2008. —Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. — 6-бет.

¹⁰ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (Нью-Йорк, 1948 йил 10 декабрь) // Декларациянинг 60 йиллигига бағишланган нашр 1948-2008. —Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. 6-бет.

¹¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (Нью-Йорк, 1948 йил 10 декабрь) // Декларациянинг 60 йиллигига бағишланган нашр 1948-2008. —Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. — 6-бет.

¹² Карташкин В.А. Права человека и развитие международного права // Права человека: учебник / отв. ред. Е.А. Лукашева. — М.: Норма: ИНФРА-М. 2015. С. 428-432.

¹³ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. —Т., 221-бет.

¹⁴ Юқоридаги манбаа. 238-б.

¹⁵ Воронина Н.А. Международное право и миграционное законодательство стран СНГ (историко-правовой анализ): монография / Институт государства и права РАН. - М.: Издательский дом ГУУ, 2015. — С.11.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 204-модда.

http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2656180

¹⁷ Международная конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации // Международные акты о правах человека. Сборник документов. НОРМА-ИНФРА, -М.: 1999. С. 139.

¹⁸ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant.shtml

¹⁹ https://treaties.un.org/Pages/ViewKetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=IV-13&chapter=4&clang=en

²⁰ МОМ. Основы управления миграцией. Семинар для представителей правительства. (Москва, 19-22 декабря 2005 г.). Раздел 1.6. С. 9.

²¹ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/refugees.shtml

²² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 29 декабрдаги “Қочоқлар ва кўчишга мажбур бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида”ги 1014-ХII-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 1-сон, 23-модда.

²³ Марочкин С. Ю., Халафян Р. М. Международное «мягкое» право в правовой системе Российской Федерации // Журнал российского права. 2013, № 6.—С. 56-65.

²⁴ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/relintol.shtml

²⁵ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/minority_rights.shtml

²⁶ Многосторонние основы МОТ по вопросам миграции рабочей силы. Необязательные в правовом отношении нормы и руководящие принципы подхода к миграции рабочей силы, основанного на соблюдении прав человека. МОТ, 2008. — 84 с.

²⁷ Ястребова А.Ю. Вынужденная миграция и международное право. // Отечественные записки. № 4, 2004. С. 145.

²⁸ “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция БМТ Бош Ассамблеясининг 45/158-сонли резолюцияси билан 1990 йил 18 декабрда қабул қилинган.

²⁹ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant1.shtml

Дилафрўз ХОЛМАНОВА,
ТДЮУ Ҳуқуқий тадқиқотлар марказининг
катта илмий ходим-изланувчиси, ю.ф.н.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- ◆ Мақола фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена вопросам предупреждения коррупционной деятельности институтами гражданского общества.
- ◆ This article is devoted to the participation of civil society institutions in combat against corruption.

Таянч сўзлар: коррупция, жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти институтлари, мансабдор шахс.

Ключевая слова: коррупция, общественный контроль, институты гражданского общества, должностное лицо.

Key words: corruption, public control, civil society institutions, official.

Сўнги йилларда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини назарда тутувчи коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенциясига 2008 йил 7 июлда қўшилган бўлиб, мазкур Конвенция 2008 йил 28 августдан кучга кирган. 2016 йилда Халқаро ноҳуқумат ташкилот World Justice Project дунёнинг 113 давлатида қонун устуворлиги бўйича эксперт-тахлилий тадқиқот ўтказиб, унинг натижаларини эълон қилган¹. Бу тадқиқот ҳар бир давлатда давлат ҳокимияти органлари ваколатининг чекланганлиги, коррупциянинг мавжуд эмаслиги, тартиб ва хавфсизлик, асосий ҳуқуқлар ҳимояси, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклиги, қонунларга риоя қилиш, фуқаровий ва жиной судлов масалалари ўрганилиб, яқиний натижа ишлаб чиқилган. 2016 йил натижаларига кўра, барча омилларни ҳисобга олганда қонун устуворлиги даражаси бўйича Ўзбекистон Россиядан кейин 93 ўринда эканлиги кўрса-

тилган.

Трансперенси Интернешнл (Transparency International) бутун дунёда коррупциянинг даражаси ва коррупцияга қарши курашишни ўрганиш бўйича халқаро ноҳуқумат ташкилот ҳисобланади. Мазкур халқаро ташкилот экспертлар ва расмий доира орасида сўров натижалари яқини бўйича коррупцияни қабул қилиш индексини шакллантирган. Ўзбекистон Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index)² бўйича 100 баллдан 21 балл олиб, 176 давлат ичида 156 ўринни эгаллаган. Бу ўтган йилларга нисбатан коррупциянинг даражаси ортганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳам коррупциянинг мамлакатимизда қай даражада эканлиги бўйича чет давлатлар нуқтаи назарини кўрсатишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Россияда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун 2008 йил 25 декабрда қабул қилинганига қарамай, 29 балл олиб 131 ўринни эгаллаб турибди.

Демак, фақатгина қонун қабул қилиниши масаланинг ечими эмас, балки қонун механизмини ишга тушириб, амалиётга жорий этиш муҳимдир. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали механизмга эга бўлган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, норматив-ҳуқуқий

база янада такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги 2761-сонли “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида қонун ҳужжатларининг сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида тарқатиш, ижрочиларга ва аҳолига уларнинг моҳияти ҳамда мазмунини тушунтиришнинг самарали механизмларини яратиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим”³.

2017 йил 3 январдан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”-ги Қонуни кучга кирди. Мазкур қонунда коррупцияга шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш, деб таъриф берилди. Демак, бунда коррупциявий ҳаракат (ҳаракатсизлик) субъекти мансабдор шахс⁴ бўлса, бундай мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назорати субъекти сифатида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари назарда тутилади. Коррупция ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса, фақатгина пора олиш-беришни эмас, мансаб ваколатидан фойдаланиш, халқ олдидаги бурчини бажармаслик кабиларни ҳам қамраб олади. Қонунлар фақатгина оддий халқ учун эмас, балки барча мансабдор шахслар учун ҳам қабул қилиниши керак. Шу туфайли “Мансабдор шахсларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Нафақат ижро ҳокимияти органлари, балки депутатларга нисбатан жавобгарлик масалаларини кучайтириш зарур. Жумладан, депутатлар интизомий жавобгарлигининг аниқ белгиланиши ва айна бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қонуннинг қонунчиликда акс эттирилиши қайсидир маънода бу соҳада коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, 2017 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги 2752-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди ва унинг вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этишининг ҳуқуқий асоси белгилаб берилди. Унга кўра улар:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамиятининг овози ва иштироки деганда – ахборот эркинлиги, қонун лойиҳаларининг муҳокамаси, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, бутун фуқаролик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаоллиги тушунилади⁵.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратининг олиб борилиши фақатгина тор расмий-юридик (жиноий-ҳуқуқий) доирада эмас, балки давлат тузумининг конституциявий асослари ва ижтимоий муносабатлар тизимида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Коррупциявий объектив омиллар сонини камайтиришда ва унинг олдини олишда фақатгина жамоатчилик назоратининг мавжудлиги етарли эмас. Зеро, давлат аппаратининг иерархик тизимида мансабдорларни синф сифатида белгилаш, маъмурий аппарат устидан ташқи назоратнинг йўқлиги, давлат органи ва мансабдор шахслари ваколатларининг ноаниқлиги, алоҳида тоифадаги аҳоли учун имтиёзлар ёки чеклашларнинг мавжудлиги, давлат механизмида ноқонуний бойликлар тақсимотининг мавжудлиги⁶ коррупциянинг авж олишига сабаб бўлади. Бошқа давлатлар тажрибасига кўра, ишлаб чиқариш иқтисодиёти ривожланган, ноқонуний сектор тўғрисида маълумотнинг нисбатан камлиги, давлат ҳокимияти органлари

устидан демократик давлат-ҳуқуқий назорат механизмининг мавжудлиги коррупциянинг энг қуйи даражасини кўрсатади.

Ҳуқуқшунос М.Мусаев “коррупциянинг олдини олиш чоралари қаторига оммавий ахборот воситалари ва таълим тизими, барча фуқаролик жамияти институтлари биргаликда мамлакат фуқаролари коррупциянинг хавфлиликни англаши ва унинг олдини олиш ҳамда юзага келишида жамоатчилик бепарво қарамаслигида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур”лигини таъкидлайди⁷.

Коррупцияга қарши курашишни ҳокимиятнинг энг қуйи поғоналаридан бошлаш зарурати ҳам жамоатчилик назорати субъектларига самарали ишлаш имконини беради. Чунки маҳаллий давлат ҳокимияти мансабдор шахслари ҳар куни фуқаролар билан мулоқотга киришадилар ва уларнинг шахсий муаммоларини ҳал қилишда кўмаклашадилар.

Биргина маҳаллий аҳоли учун маҳаллий бюджет ижросининг ёпиқлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ўз ваколатларини суистеъмол қилиб, давлат маблағидан ўзининг манфаатлари йўлида фойдаланишига олиб келиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда ҳокимнинг ваколатларидан бири сифатида вилоят, туман, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туман ва шаҳар бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек, унинг ижроси тўғрисидаги

ҳисоботни халқ депутатлари Кенгашига тақдим этиши белгиланган. Шунинг учун расман бюджет маблағлари ажратилаётган давлат муассасалари маблағларнинг сарфланиши тўғрисида расмий ҳисобот эълон қилиши керак.

Бюджет ижроси бўйича жамоатчилик эшитувининг йўлга қўйилиши ва бюджет ижросидан аҳолининг кенг хабардорлиги коррупциянинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар жумласига:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоатчилик эшитувини ташкил этиш тартиби бўйича намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш;

— “Жамоатчилик эшитувини ташкил этиш тартиби бўйича намунавий Низом”да жамоатчилик эшитувини ташкил этиш тартиби, унинг мақсади ва вазифаларини кўрсатиш;

— жамоатчилик эшитувининг объекти ҳамда субъектларини белгилаш;

— жамоатчилик эшитувини натижаларини эълон қилишга оид меъёрларни белгилаш кабиларни кiritиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур мақолада коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг фақат айрим жиҳатларигина кўрсатиб берилди. Бу борада коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг очиклик ҳамда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти элементларидан самарали фойдаланиш каби принципларнинг амалдаги ижросини таъминлаш муҳимдир.



¹ worldjusticeproject.org/rule-of-law-index

² http://www.transparency.org/news/feature/corruption_perceptions_index_2016#table

³ Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //press-service.uz

⁴ Тўраев Д. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, №3, 2016. – Б.33.

⁵ Артемьев А.Б. Коррупция в механизме функционирования государства (теоретико-правовое исследование в рамках эволюционного подхода) Автореферат дис... док. юрид.наук. —М; 2015. – С. 27.

⁶ Мусаев М. Коррупция: коррупционная преступность и её предупреждение // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, №2, 2015. – Б.46.

⁷ worldjusticeproject.org/rule-of-law-index

⁸ http://www.transparency.org/news/feature/corruption_perceptions_index_2016#table

⁹ Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //press-service.uz

¹⁰ Доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс деб эътироф этилади. (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 15-модда).

¹¹ Тўраев Д. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2016. №3, – Б.33.

¹² Артемьев А.Б. Юқоридаги манбаа.

¹³ Мусаев М. Юқоридаги манбаа.

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ

◆ Мақолада жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар ва уларнинг зарурати, мазмун-моҳияти таҳлил қилинган.

◆ В статье проанализированы правовые реформы, осуществляемые в нашей стране касательно правовых основ и гарантий обращений физических и юридических лиц, их необходимость, на основе анализа освещена сущность данных реформ.

◆ This article is devoted to the legal bases and guarantees of the applications of individuals and legal entities, as well as the essence and significance of the ongoing reforms in Uzbekistan and its scientific analysis.

Таянч сўзлар: ариза, шикоят, мурожаат, электрон мурожаат, виртуал қабулхона, халқ қабулхонаси, очик хат, электрон қабулхона.

Ключевая слова: заявление, жалоба, обращение, электронное обращение, виртуальная приемная, народная приемная, открытое письмо, электронная приемная.

Key words: application, complaint, appeal, electronic handling, virtual reception, public reception, an open letter, electronic reception.

Демократик давлат бошқарувининг муҳим институти бўлган мурожаат қилиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш жисмоний ва юридик шахсларнинг нафақат давлат ҳокимияти органлари фаолиятига таъсир кўрсатишини, балки бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш имкониятини ҳам яратади. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш уларнинг ҳуқуқий муҳофазаланганлигини кучайтиради, бузилган ҳуқуқларни тиклашга ва қонун бузилишларининг камайишига кўмаклашади, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини суиистеъмол қилишлари ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашиш, давлат органлари томонидан уларга муайян ёрдам ҳамда қўллаб-қувватловни таъминлаш баробарида, жамиятда инсон манфаатларини ишончли ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган маърузасида инсон ман-

фаатларини таъминлаш масаласига тўхталиб ўтиб, қуйидагиларни таъкидлади: “Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак”¹.

Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш йўналишлари орасида оммавий ҳокимият институтлари устидан самарали ижтимоий назорат тизими шаклланаётганлигини таъкидлаш лозим. Буни амалга оширишнинг таъсирчан шаклларида бири фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоялаш ёки турли ижтимоий муносабат билдириш мақсадида давлат ҳокимият органларига мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланишдир. Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи — ҳар бир фуқаро ва юридик шахснинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, у Конституциянинг 35-моддасида мустаҳкамланган. Шу билан бирга, давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқлашнинг усули, балки давлат аппарати устидан жамоат назоратини амалга ошириш, уни оптималлаштириш усули ҳамдир.

Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичида жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг процессуал механизмларини бутун чоралар билан такомиллаштирилишига эҳтиёж сезмоқдалар. Бунинг учун ҳокимиятнинг барча тармоқлари билан ўзаро муносабатларнинг янги тизимини вужудга келтириб, мурожаатларнинг демократик процессуал тартибларини ишлаб чиқиш лозим.

Айни вақтда таъкидлаш лозимки, ижтимоий назоратнинг ушбу шаклини амалга оширишда муайян камчиликлар, бўшлиқлар мавжуд. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг самарадорлигига давлат ҳокимият идораларига бўлган ишончнинг даражаси; йўлланган мурожаатларни кўриб чиқишнинг натижадорлиги; жисмоний ва юридик шахс манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат ҳокимият органлари фаолиятга оид ахборотнинг очиклиги кабилар таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида жамият ва давлат ҳаётини модернизация қилиш шароитида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати институти, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, давлат органлари билан фуқаролар ва бошқа ташкилотларнинг янги муносабатлари типи шаклланишига қонуний база яратилганлигини англаш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Мурожаатларнинг янги демократик процедураси яратилиши жараёнини мушоҳада этиш муҳим.

Айни ушбу масала юзасидан мамлакатимиз Президенти юқорида келтириб ўтилган маърузасида 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилишни таклиф этиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган энг долзарб ва устувор вазифалар қаторида биринчилардан бўлиб мурожаат қилиш механизмлари ва самарали усулларини жорий қилиш борасида куйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Аввало, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор”².

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқининг назарий асосларини тадқиқ этган ва ҳозир ҳам изланаётган олим ва амалиётчилардан кўпчилиги бу институтни фуқаролар (инсон) ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини муҳофазалашнинг асосий усулларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Н.Ю.Хаманеванинг талқинича, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим

конституциявий-ҳуқуқий воситасидир. Шу маънода бу институт ҳар бир инсоннинг мутлақ, чекланмаган ва ажралмас ҳуқуқини ташкил этади³. А.Х.Саидов ва С.А.Ҳамидуллаев ҳам мурожаатлар институти инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳимоялашнинг конституциявий-ҳуқуқий канали, деб ҳисоблайдилар⁴. Яна баъзи олимлар мурожаат қилиш ҳуқуқига ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситаси, деб қарайдилар.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, унга қўйиладиган талаблар, уни кўриб чиқиш тартиби, мурожаатда кўтарилган масала ва муаммоларнинг ечимига доир вазифаларни ҳал этиш юзасидан кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётганини ва айни дамда, ушбу ислохотлар мамлакатимиз фуқаролари томонидан юксак даражада эътироф этилаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Бу борада 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган муносабати билан ҳамда аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси иши тўғрисидаги кўплаб ижобий фикрларини эътиборга олиб, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (бундан буён — Халқ қабулхоналари) — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (бундан буён — Виртуал қабулхона) ташкил қилинди ҳамда халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

— аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён — мурожаатлар) билан ишлашнинг сифат

жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

— фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига (бундан буён — давлат органлари) ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

— Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

— Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича — давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

— жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг ман-

сабдор шахслари иштирокида, шу жумладан, видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

— Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари институти мамлакатимизда ривожлантириш ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан мамлакатимизда давлат органлари масъуллигини, жамоат назорати таъсирчанлигини ошириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганлигини, назарий жиҳатдан мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети доирасига киришини, уни Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига киришини изоҳловчи асос сифатида қуйидагиларни таъкидлаш жоиз: фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи мамлакат Конституциясида тўғридан-тўғри мустаҳкамланган, шунингдек, амалдаги қонунчиликда уни мустаҳкамлаш ва муҳофазалаш кафолатлари тизими ва механизми белгиланган.



¹ Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.

² Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.

³ Хаманева Н.Ю. Право граждан на подачу обращений // Гражданин и право. 2000. —№1. —С.43.

⁴ А.Ҳ.Саидов, С.А.Хамидуллаев Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш / Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 21 ноябрь). — Тошкент, ЎзР ИИВ Академияси, 2016. —Б.11-12.

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Маълумки, минтақавий ва маҳаллий можаролар, диний экстремизм, терроризм, қурол ва наркотик моддалар савдоси бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка, барқарорликка таҳдид солиб келмоқда.

Прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда диний экстремизм, терроризм ва давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш, бу борадаги профилактик тадбирларни янада жадаллаштириш юзасидан ўзаро ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.

2017 йилнинг 25 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда профилактик ҳамда маънавий-маърифий тадбирларнинг роли" мавзусида ташкил этилган илмий-амалий конференция жаҳон ҳамжамияти учун глобал муаммага айланган, ўз навбатида, мамлакатимиз хавфсизлигини, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечирishларини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланган диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишда профилактик ва маънавий-маърифий тадбирларни янада жадаллаштириш, айниқса, ушбу салбий иллатлардан ўсиб келаётган ёш авлодни асраб-авайлаш, уларни ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш масалаларига бағишланди.

Конференция ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, диний идоралар, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика маънавият тарғибот маркази, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Республика "Камолот" ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.



Конференциянинг мақсади диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашнинг долзарб масалалари ҳусусида олимлар ва соҳа мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўзаро фикр алмашишга қаратилди.

Анжуман доирасида "Ёт ғояларга қарши курашнинг самарали усуллари", "Замонавий таҳдидлар ва уларнинг ёшлар онгига таъсири", "Аҳолининг диний этикоддини илмий таҳлил этиш", "Ташқи таҳдидларга қарши курашишда миллий ва диний қадриятларни эътиборга олиш", "Ёшларни дин никобидаги мафкуравий таҳдидлардан асрашнинг долзарб масалалари", "Диний экстремизм ва терроризмнинг замонавий тенденциялари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир иштирокчилари диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасида ўз таклифларини билдиришди.

Конференция якуни бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг 13-14 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Германиянинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) билан ҳамкорликда "Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар ташкил этилди.

Тадбирда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг сиёсий масалалари бўйича референти Рената Лернер, Германиянинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) мутахассислари Юрген Ёлеркинг, Юрген Маурер, шунингдек, Бош прокуратуранинг марказий тармоқ ходимлари, Олий ўқув

курслари профессор-ўқитувчилари, Олий суд, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази, Ички ишлар вазирлиги ҳамда ИИБ Академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон

иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкентдаги Халқаро Вестминистер университети, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети ҳамда Адвокатлар палатаси вакиллари иштирок этдилар.

Семинар доирасида Германиянинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) мутахассислари томонидан "Германиянинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳолати таҳлили", "Прокуратура органлари фаолияти мисолида Германияда жиноят ишини судгача ва суд муҳокамаси босқичларида кўриш тартиби", "Соддалаштирилган тартиб ва жиноят ишлари судгача ва суд муҳокамаси босқичида кўришни тезлаштириш чоралари. Суд, прокуратура, полиция органларининг ўзаро маълумот алмашиш ва судлов ишларини юритишда замонавий АКТларни қўллаш", "Судгача ва суд муҳокамаси босқичларида янги турдаги жиноятларни очиш, АТ технологияларни қўллаш жараёнига оид иш юритишнинг замонавий тенденциялари" каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Тадбир давомида Германия Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигининг амалда қўлланилиши борасидаги жиноят юрисдикцияси ва криминалистик ама-



лиётидан мисоллар келтирилди. Семинар қатнашчилари маърузалар ва казуслар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир якунида миллий жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИНГ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ

2017 йил 20-23 июнь кунлари Бош прокуратурада Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар дастури доирасида "Коррупцияга қарши кураш чораларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш" мавзусидаги уч кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренинг ишида республика вазирлик ва идораларининг коррупцияга қарши кураш ишлари мувофиқлаштирувчиси сифатида белгиланган 70 нафардан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Мазкур тадбирнинг мақсади идоравий мувофиқлаштирувчиларни коррупциянинг барвақт олдини олиш, коррупцияга қарши кураш фаолиятида ҳужжат юритувини сифатли ташкил этиш асослари бўйича ўқитишдан иборат бўлди.



Семинар-тренинг давомида коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида методик кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар-тренинг дастурида идоравий мувофиқлаштирувчиларга коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва халқаро мониторингни ўтказиш, шунингдек давлат органларида коррупцияга қарши кураш борасидаги чораларни амалга оширишда тахлилий ва ахборот ҳужжатлари тайёрлаш хусусиятла-

ри тушунтирилди.

Умуман олганда, семинар-тренингнинг ўтказилиши идоралараро мувофиқлаштирувчилар ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳузуридаги Эксперт гуруҳи аъзолари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш учун қулай имкон яратишга хизмат қилди.

Семинар-тренинг якунида ўрганилган мавзуларни ўзлаштириш юзасидан иштирокчиларга сертификатлар топширилди.



Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва 2016-2017 ўқув йили раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курслари (9-гуруҳ) тингловчиларининг мақолалари асосида тайёрланган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4850-сон Фармонининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг янги босқичини белгилаб берди.

Шу туфайли тўпламга асосан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг янги босқичида прокуратура органларининг ўрни, юртимизда "Хабеас корпус" институтини янада ривожлантириш чоралари, суд ҳокимияти ва одил судлов мустақиллигини янада такомиллаштириш каби масалаларга оид мақолалар киритилган.

Мақолаларда келтирилган фикр-мулоҳазаларнинг айримлари баҳсли бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Уларни муаллифларнинг шахсий мулоҳазалари сифатида баҳолаш жоиз.

Тўпламдан илмий изланувчилар, амалиётчилар, ҳуқуқшунослар ва юридик йўналишдаги ўқув юртлари талабалари фойдаланишлари мумкин.



«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
 - матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
 - келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
 - мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
 - матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;
 - матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
 - мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
 - мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
 - мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
 - ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.
- Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
 - исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
 - достоверность и корректность приводимой в статье информации;
 - к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
 - представление статьи на узбекском и русском языках;
 - статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
 - объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
 - на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;
 - ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.
- Статьи направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



